

НУШУҚ

30 - yanvar,
chorshanba

06

(217)

YURIDIK GAZETA

| | | | | |
|--------|---|----|----|----|
| Yanvar | | | | |
| D | 7 | 14 | 21 | 28 |
| S | 1 | 8 | 15 | 22 |
| Ch | 2 | 9 | 16 | 23 |
| P | 3 | 10 | 17 | 24 |
| J | 4 | 11 | 18 | 25 |
| Sh | 5 | 12 | 19 | 26 |
| Y | 6 | 13 | 20 | 27 |

2002

Gazeta 1997-yil 27-avgustdan chiqq boshlagan



Мамлакатимизнинг истиқболдаги тараққиёт йўли, давлат ва жамият ҳаётидаги ислохотлар янада жадаллашувининг муҳим омили бўлган икки палатали парламентни шакллантириш ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг конституциявий ваколат муддатини беш йилдан етти йилга ўзгартиришга бағишланган референдум юртимизда юксак уюшқоқлик билан ўтказилди. Бу муҳим ижтимоий-сиёсий тадбирнинг барча демократик тамойилларга мос, эркин овоз бериш йўли билан ўтгани мамлакатимизда демократия тобора мустақамланиб бораётганининг яна бир намоиши бўлди.

Суратда: Пойтахтимизнинг Яккасарой туманидаги 648-референдум участкасида овоз бериш жараёни.

Суратлар муаллифи А. Тўраев

Чоршанбадан Чоршанбагача

23 январь

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганлигига 10 йил тўлиши муносабати билан мамлакатимиз Президентини «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ташкил этилганлигининг 10 йиллиги муносабати билан фуқаро авиацияси ходимларидан бир гуруҳини мукофотлаш тўғрисидаги Фармонга имзо чеқди. Президент Ислам Каримов Оксарой қароғоҳида Тошкент ва Ўрта Осиё епархия бошқармаси раҳбари архиепископ Владимирни қабул қилди.

24 январь

Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни кадрлаш йили» давлат дастури тўғрисидаги қарори матбуотда чоп этилди.

25 январь

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳолининг иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашнинг 2002-2003 йилларга мўлжалланган дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустақамлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари эълон қилинди.

27 январь

Мамлакатимизда халқ хоҳиш-иродасининг амалдаги намунаси бўлган - референдум ўтказилди. Барча референдум ўтказувчи округ ва участкаларда фуқаролар қўйилган масалаларга ўз муносабатларини билдиришди. АКШ Давлат котибининг Европа ва Евроосиё ишлари бўйича ўринбосари Элизабет Жоунс бошчилигидаги америкалик делегацияси мамлакатимизга ташриф буюрди.

МАШҒУЛОТЛАР БОШЛАНДИ

Шу йилнинг 28 январидан 9 февралгача қадар Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Қонунчиликни мустақамлаш муаммолари ва прокурор-тергов ходимлари малакасини ошириш марказида қўйи прокуратура органларининг иқтисодий жиноятчилик ва коррупцияга қарши курашиш бўлимлари ходимлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятларни тергов қилиш тактикаси хусусиятлари мавзусида ўтказилган ўқув машғулотларида қатнашадилар.

МУНОСАБАТ

ЎҚИТУВЧИЛАР МАМНУН

«Аҳолининг иқтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги шу йил 25 январда эълон қилинган Президент Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг мазкур фармон асосида қабул қилинган қарорини ўқиб, очиги жуда тўлқинланиб кетдим. Давлатимиз мамлакат иқтисодиётини бозор шароитига босқичма-босқич ўтказиш баробарида кучли иқтимоий ҳимоя сиёсатини юритмоқда. Кишлоқ, қўرғонларда мактаб аҳолига энг яқин, оилаларнинг аҳволидан анчагина бохабар ўзига хос институт ҳисобланади. Шунинг учун мазкур Фармон ва ҳуқуқимиз қарорининг муҳтожларга етиб боришида биз ўқитувчилар ҳам фаол бўлишимиз, маҳалла кенгашлари ишида фаол қатнашимиз керак.

Айниқса, бир зияли сифатида мазкур қарорнинг 5-бандидаги кишлоқ ўқитувчиларини ахборот билан таъминлашни яхшилаш мақсадида қутубхона фондида маҳаллий бюджет ҳисобидан республика газета-журналларига обуна қилиш ҳақидаги қўрсатмалар жуда маъқул келди. Бу тадбир кишлоқ зиялиларининг ўз билимларини оширишлари учун ёрдам берибгина қолмай, уларнинг ўқувчилар ва аҳолининг турли қатламлари ўртасида тарғибот ишларини савияли ўтказишларида жуда қўл келади, деб ўйлайман.

А. МУСТАҒОҚУЛОВ,
Шириш шаҳрининг «Нуробод»
қўрғонидаги 3-ўрта мактаб
директори

ҲИСОБОТ

МАҚСАД: ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

Ўтган жума кўни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаментининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳар ва вилоят бошқармалари бошлиқлари иштирок этишди.

Кун тартибига қўйилган масала — Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти органларининг 2001 йилда амалга оширган иш якунлари ва келгусидаги устувор вазифалари ҳақида департаментнинг бошқарма бошлиғи С.Муҳторовнинг маърузаси тингланди.

Маълумки, Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 6 июлдаги «Иқтисодиёт ва солиқ соҳасидаги жиноятларга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузурида Солиққа оид жиноятларга қарши курашиш департаменти, унинг 14 та ҳудудий бошқармалари ҳамда 209 та шаҳар ва туман бўлимлари ташкил қилинган эди.

Маърузада таъкидланишича, ўтган давр мобайнида департамент идоралари томонидан талай ишлар амалга оширилган. Жумладан, давлат рўйхатидан ўтмай яширин фаолият кўрсатаётган цехларни аниқлаш юзасидан ўтказилган тадбирлар натижасида сифатсиз арқ, вино, пахта ёғи ва турли озиқ-овқат маҳсулотларини ишлаб чиқаришга ихти-

сослашган 139 та цех топилган. Уларга алоқадор бўлган шахслар маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиб, қиймати сал кам 39 млн. сўмлик маҳсулотлар мусодара қилинган. Шунингдек, руҳан носоглом ёки паспорти йўқолган фуқаролар номидан таъсис этилган фирмалар орқали катта миқдордаги молиявий операцияларни амалга ошириб келган 6 та сохта фирма фаолияти фош этилиб, бюджетга 26,9 млн. сўмлик мажбурий тўловлар ундирилди.

142 та хусусий фирмалар ҳужжатларини сохталаштириб, ҳақиқатда амалга оширилган товар айланмалари миқдорини ҳисоботларда кўрсатмаслик орқали 647 млн. сўмлик солиқларни қасдан яширганлиги учун молиявий жарималар билан биргаликда 1 млрд. 141 млн. сўмлик қўшимча солиқ ундирилган.

Нақд пул айланмаларига эга бўлган ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан даромад манбаларини яшириш мақсадида товарларни назорат касса машинасидан ўтказмасдан сотиш, нақд пул тушумларини банкка кириш қилмаслик ҳолатларига қарши курашда ҳам салмоқли ишлар қилинди. Ҳисобот даврида 16 млрд. 899 млн. сўмлик ноқонуний нақд пул айланмаларини амалга оширган 208 та ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолияти аниқланиб, айбдорлар жиноий жавобгарликка тортилди.

(Давоми 5-бетда.)

Моҳият

Адолатнинг иккита бошланғич
нуқтаси бор: улар ҳеч кимга зарар
етказмаслик ва жамиятга фойда
етказишдир.

Цицерон

ТЕЛЕ - АНОНС

«Қонун ҳимоясида» телегуруҳининг навбатдаги кўрсатуви эфирга тайёрланмоқда. Кўрсатувнинг бу галги сони Сурхондарё вилояти прокуратура органлари фаолиятига бағишланади. Кўрсатувда мамлакатимизнинг жануб дарвозаси саналган воҳода чегаралар хавфсизлиги, кишлоқ ҳўжалигида ислохотларни қўқурлаштириш, воёга етмаганлар иқтимоий ҳимоясини таъминлашга қаратилган қонунлар ижросини назорат қилиш борасида прокуратура ходимларининг бугунги саъй-ҳаракатлари борасида фикр юритилади.

«Қонун ҳимоясида» кўрсатуви 5 февраль сешанба кўни, ўзТВ 1 кечки дастури орқали, «Инсон ва қонун» рукини остида соат 18.45 да намоиш этилади

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'asischilar

O'zbekiston Respublikasi
Bosh prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida» jurnali

Bosh muharrir:
Abduxoliq ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati

Mels Naimov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov.

Gazeta Davlat matbuot qo'mitasida №00150 raqam bilan ro'yxatga olingan.
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232.

Manzil: Toshkent shahri, akademik Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.
Telefon: 133-82-34.
Reklama va e'lonlar: 133-82-34, 77-59-31.
E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'lyozma va suratlar egalariга qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari tahririyat fikridan farqlanishi mumkin. Gazetada bosilgan fakt va dalillar uchun muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib bosilganda «Huquq»dan olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik materiallar ** belgisi ostida chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terjima va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasida o'fset usulida A-3 formatda chop etiladi.
Korxonada manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41.

Buyurtma G - 3149
Nusxasi — 20.500
Bosmaxonaga topshirish vaqti 20.00
Bosmaxonaga topshirildi
Gazeta haftaning chorshanba kunlari chiqadi
Navbatchi muharrir:
H. NISHONOV
Navbatchi: F. MAMASHARIPOV
Sotuvda erkin narxda
1 2 3 4 5 6 7 8

● 2002 йил — қарияларни қадрлаш йили



— Бердиёр ака, ёши юзга қараб кетаётган отахон сифатида Президентимиз Ислам Каримов 2002 йилни «Қарияларни қадрлаш йили» деб эълон қилганини эшитиб ҳаёлингиздан нима-лар кечди?

— Тўғриси, кўзларимда севинч ёшлари пайдо бўлди. Салкам бир асрга яқин яшаб, қарияларга бундай гамхўрликни кўрмаганман. Инқилобгача бўлган ҳаётга ҳам гувоҳман. Ундан кейинги 70 йиллик собиқ Иттифок тузумида яшадим ва ишладим. Баъзан давлат манфаати йўлида инсоннинг қадри бир пул бўлган замонларни ҳам кўрдим. Матбуотда Вазирлар Маҳкамасининг «Қарияларни қадрлаш йили» давлат дастурига бағишланган шарҳни ўқидим. Унда айтилишича, мазкур дастур республикамиз кекса фуқароларининг давлат ва жамият томонидан ижтимоий муҳофаза қилиниши, моддий ва маънавий қўллаб-қувватланиши янада оширишга доир аниқ чора-тадбирлар рўйбга чиқарилишига қаратилган.

Халқимиз азал-азалдан меҳр-оқибатли бўлган. Муस्ताқиллигимиздан сўнг ана шу улғу хислатлар юртбошимиз имзо чеккан барча фармонларда ўз аксини топмоқда. Сўзимнинг исботи учун Президентимиз Ислам Каримов шу йил 25 январь кунини имзо чеккан «Аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларини аниқ йўналтирилган тарзда қўллаб-қувватлашни кучайтириш тўғрисида»ги Фармонни кел-

Бердиёр Аҳмедов, 1911 йилда туғилган. 1939 йилда Тошкент юридик институтини битирган. Юридик фанлари номзоди, профессор. 1943 йилдан 1953 йилгача Республика Бosh прокурорининг биринчи ўринбосари лавозимида ишлаган. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган юрист, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби. 3 фарзанднинг отаси, 9 неварга, 20 эваранинг бобоси.

Бундан икки йил олдин тахририят топшириғига бинаоан таниқли ҳуқуқшунос Бердиёр Аҳмедов билан учрашгандим. Ва у киши ҳақида «Қонун ҳимоясида» журналда «Яхшиликни соғиниб яшайдиган инсон» номли мақола чоп этилганди. Яқинда Бердиёр ака тахририятимизга кўнғирок қилиб «Шоғирдларимга айтадиган гаплар ҳам йиғилиб қолди. Бир суҳбатлашайлик» деб қолдилар. Биз таклифга рози бўлиб, Бердиёр аканинг хонадаида бўлдик.

«Бу дунёда мен бир боғбонман»

тиришим мумкин. Унда минглаб қарияларнинг орзу-истаклари акс этган.
Ушбу фармоннинг биринчи бандида: «Иш стажининг тўлиқ пенсия тайинлаш учун талаб этиладиган миқдоридан ортқ қисмини ҳисоблаб чиқишдаги мавжуд чеклашлар 2002 йил 1 январдан бошлаб бекор қилинсин» дейилган. Юртбошимизнинг бундай бағрикенглигига билангида кучи, белида қуввати бор қарияларимиз «лаббай» деб жавоб беради. Имкон қадар юрт фаровонлиги, тинчлиги ва хотиржамлиги учун ўз

хиссаларини қўшади.
— Бердиёр ака, кўпгина ҳуқуқшунос олимлар сизни «кодексларнинг отаси» дейишаркан. Бунинг маъносини қандай тушунас бўлади?
— Биз 1959 йилдан 1964 йилгача бир гуруҳ ҳуқуқшунос олимлар билан ЎзССРнинг ЖК, ЖПК ва ахлоқ тузатиш меҳнат кодексларини тайёрлаганмиз. Мен ана шу гуруҳга раис эдим. Давр ўтиши билан қонунлар ҳам ҳаётга қараб ўзгариб борар экан. Муस्ताқилликдан сўнг қонунларимиз инсонпарварлик жиҳатидан ўзгарди. Ҳуқуқий демократик давлат барпо этишнинг бош тамойили инсоннинг қадр-қимматини улғулаш, унинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишдир. Мен ҳуқуқшунос сифатида матбуотда эълон қилинаётган қонун лойиҳаларига ўз фикр-мулоҳазаларимни билдириб тураман. Ўзбекистон Конституциясининг лойиҳаси умумхалқ муҳокамасига қўйилганда 7 та фикр билан қатнашгандим. 4 та таклифим инobatта олиниб, бош

рим билан фахрланаман. Бир доғимандан сўрашган экан: Сен ўткинчи дунёда кимдан миннатдор бўлдинг? Доғимандан айтибди:
Исм кўйган отамдан, алла айтган онамдан, таълим берган устозимдан миннатдорман.
— Бердиёр ака, оилангиз ҳақида нима-лар дея оласиз?
— Турмуш ўртоғим Насимахондан бир умр миннатдорман. 63 йилдан бери бирга яшаб келаяпман. Ёшлик давримизда қийинчиликларни ҳам кўрдик. 3 фарзандни ўқитиб элга қўшдик. Учласи ҳам ҳуқуқшунос. 5 нафар неварам ҳам ота касбини танлашган. Эр-хотин бир умр виждонимизга хиёнат қилмай яшадик. Самарқанд вилояти прокурорининг 1-ўринбосари вази-фасида ишлаётганимда қизим Ревахон туғилганди. Ана шунда Насимахоннинг кийиб юрган пальтосини сотиб бешик олгандик. Бугун ўтган кунларим ҳақида ўйласам, узоқ яшашимнинг сабаби, шоғирдларим олдидаги ҳурматимнинг боиси ҳам таъясиз ишлаган ниммикин деб ўйлаб қўяман (кулиб қўяди). Шарқ шоирларидан бири айтган экан, «Бу дунёда мен бир боғбонман». Ҳаёт ўткинчи, аммо

● ШУ АЗИЗ ВАТАН БАРЧАМИЗНИКИ

ЭРТАНГИ КҮН УМИДИ

XXI асрнинг биринчи йили инсоният тарихида ўчмас из қолдириди. Ўтган йил халқимиз учун ҳам унутилмасдир. Дунё ҳамжамиятида Ўзбекистоннинг обрўси янада ортиди. Иқтисодий, ижтимоий, сиёсий соҳаларда кўплаб ишлар қилинди. Дунёдаги сиёсий вазият денгиздаги кемадек қалқиб турган бир даврда юртимизда тинчлик ҳукм сурди. 11 сентябрь фожияларидан сўнг жаҳон ақли ҳаётга янада сергақроқ қарайдиган бўлди. Ана шундай вазиятда Президентимиз Ислам Каримовнинг терроризмга қарши кураш борасида билдирган таклиф ва ташаббусида нафақат Марказий Осиё, балки дунё халқлари ва давлатлари манфаати, эртанги кунининг умидлари акс этган эди. Юртбошимизнинг бу борадаги сўзларини нақадар ҳақ эканлигини дунёнинг етакчи сиёсатчилари ҳам эътироф этмоқда. ЮНЕСКОга аъзо 190 давлат орасида Ўзбекистонга «Тинчлик устуни» соврини берилиши бунинг исботидир.

Мамлакатимизда тинчлик ва оқойишталикни сақлаш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида кўп гапириш мумкин. Бугун Ўзбекистон раҳбарияти нафақат ўз юртининг тинчлиги, балки дунё мамлакатларининг оқойишталиги ҳақида қайғурмоқда. Юртимизда эришилаётган барча ютуқларнинг омили ҳам ана шу тинчлик ва барқарорликдир.

Юртбошимиз дунёдаги сиёсий вазиятга баҳо беради экан:
— Бугун биз мураккаб бир даврни бошдан кечирмоқдамиз. Жаҳонда терроризм, ашаддий жангарилик, нарқобизнес хуружи каби бало-қазоларнинг энг муқаддас неъмат бўлмиш инсон ҳаётига таъовузи ҳамон сезилиб турибди. 11 сентябрь фожиялари ва Афғонистонда ақсилтеррор ҳаракатлар олиб борилиши натижасида Марказий Осиёда, бевосита бизнинг чегараларимизда сиёсий-ҳарбий вазият ўзгармоқда, дунёнинг сиёсий харитасида кўчаларнинг янгича тақсимланиши рўй бермоқда, — деган эди.

Олий Мажлисининг иккинчи чақирғиқ еттинчи сессиясида Ўзбекистон халқига мурожаатнома қабул қилингани ҳам бежиз эмас. Гап мамлакатда тинчлик-барқарорликни сақлаш ҳақида кетар экан, бунинг кенг маънода тушуниш керак. Барча интилишларимиз озу-умидларимизнинг рўёби тинчликка боғлиқ. Бизнинг асл мақсадимиз ҳар жиҳатдан тўқис фаровон турмушга эришиш, ривожланган ҳуқуқий-демократик давлат қуриш эмасми? Шу ўринда айтиш кераки, бизнинг бу борадаги йўлчи юлдузимиз, дастуриламалимиз Конституция ва Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар эканлигини юртдошларимиз, айниқса ёш авлод онгига сингдириш ҳар биримизнинг вазифамиздир.

Ривожланган мамлакатларда қонунларнинг қаттиқлигига эмас, балки инсон-

қомусимизда ўз аксини топганидан хурсандман. Яна бир хурсандчилигимнинг боиси шуки, юртимизда қонунчилигимизда туб бурилиш ясайдиган фикри тоза янги олимлар авлоди пайдо бўлди.
— Устозни халқимиз боғбонга ўхшатади?
— Саволингизни англадим. 1956 йилдан 1967 йилгача Тошкент Давлат университетининг ҳуқуқшунослик факультетида декан вази-фасида ишладим. Кўплаб шоғирдлар тайёрладим. Эл-юртта сиққидилдан хизмат қилаётган шоғирдла-

ўткинчи ҳаётда кимдир боғ яратадди, кимдир эса...
— Бахт нима?
— Фарзандларининг ҳам ўзинг қатори пенсияга чиқиб, қарилқ гаштини суришини кўришдан-да юксак бахт бўлмаса керак. (Бердиёр отанинг ўли Бахтиёр ака ва қизи Ревахон ола ҳам бугунги кунда қарилқ гаштини сурмоқдалар.)

Суҳбатдош: **З. МАМАДАЛИЕВ**, «Хуқуқ» муҳбири

парварлик томонларига эътибор қаратилади. Ана шу сатрларни ёзаётганимда собиқ Иттифок давридаги ЖК билан амалдаги ЖКни таққосладим. Қаттиқ жазо билан ҳеч қачон инсонни тарбиялаб бўлмаслиғига ишонч ҳосил қилдим. Яқинда ҳуқуқий нашрлардан бирда ўқиб қолдим. XVI асрда Парижда ўғриллар шаҳар марказидаги майдонда дорга осилган. Бироқ одамларнинг йиғилишидан фойдаланган бошқа ўғриллар оломоннинг чўнтақларини тозалаб кетишар экан. Кўриниб турибдики, қаттиқ жазо билан жиноятчиликнинг илдизига болта уриб бўлмайди. Шу ўринда Президентимизнинг жаҳолатга қарши маърифат билан курашилади, деган сўзлари ёдга тушади.

Тарихга айланган йил ҳақида гап кетганда, «Шубий ҳазорларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонун ҳам қўллаб юртдошларимиз ҳаётида ижобий ўзгариш ясайди, деб ўйлайман. Эндиги вази-фа қабул қилинган қонунларни халқнинг онгига етказишдир.

Туманимизда 120 миңдан ортқ аҳоли яшайди. Уларнинг ҳуқуқий билиминини ошириш борасида ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар жорий йилнинг ўтган давридаёқ ўндан ортқ юзма-юз мулоқотлар уюштирди. Туман марказидаги «Бахт», «Олимлар» ва «Дўстлик» маҳалларида бўлган учрашуларда миңдан ортқ фуқаролар иштирок этишиб, ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар. Шунингдек, туман тадбиркорлар палатаси, тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш бўлими, деҳқон ва фермерлар уюшмаси билан ҳамкорликда тадбиркорлар билан бевосита мулоқотлар ўтказилди. Унда юздан ортқ тадбиркорлар қатнашиб, вилоят адлия бошқармаси, солиқ инспекцияси ходимлари билан муаммолар юзасидан ўзаро фикр алмашишлар.

Прокуратура ташаббуси билан туман ҳокимлигида бўлиб ўтган йиғилиш диний экстремизм ва терроризмга қарши кураш мавзусига бағишланди. Унда туманимиздаги маҳаллалар раислари, хўжалик раҳбарлари, туман халқ таълими вакиллари иштирок этишди. Туман ҳудудидagi оқойишталикни сақлаш 14 та таянч пунктларидаги аҳвол таҳлил қилинди.

Йилимиз яқин бошланди. Энг асосийси, юртимизда тинчлик ва оқойишталик ҳукм сурмоқда. Умидлар билан яшаган халқнинг эса орзулари улғу, келажаги буюк бўлади.

Саидмурод ШЕРНАЗАРОВ,
Ғаллаорол тумани прокурори

**ПРОКУРАТУРА
ЕРДАМ БЕРДИ**

Мен Тошкент шаҳрининг Юнусобод туманида истиқомат қиламан. 1980 йилдан буён «Улуғбек-Презицион» қўшма корхонасида ишлаб келардим. Утган йилнинг июль ойида корхонамиз директори ва кадрлар бўлими бошлиғи мени тўсатдан чақириб ишдан бўшаи ҳақида ариза ёзишимни талаб қилишди. Нафақага чиқишимга эса икки йил қолганди.

Ёрдам сураб шаҳар касаба уюшмасига ариза бердим. Уюшмадагилар шикоятим билан танишиб чиқишга, ҳамза туман прокуратурасига мурожаат этишим лозимлигини тушунтиришди.

Туман прокуратураси менинг манфаатимни кўзлаб фуқаролик ишлари бўйича Миробод тумани судига менинг номимдан даъво аризаси киритди. Суд даъво аризамни қаноатлантириб, мени иш жойимга қайта тиклаш ҳамда мажбурий ишламай юрган вақтим учун маошимни ундириб бериш тўғрисида қарор чиқарди.

Мен ҳуқуқимни ҳимоя қилган барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ходимларига, айниқса ҳамза туман прокурорининг ўринбосари Э.Шодмоновага ўз миннатдорчилигини «Хуқуқ» газетаси орқали билдирмоқчиман. Уларга ҳам масъулиятли, ҳам шарафли ишларида омадлар тилайман.

М. УМАРОВА,
Тошкент шаҳри

Хурматли тахририят!

Сизларга бу хатни Зомин туманидаги Сирғали қишлоғидан юбормоқдамиз. Ҳар бир инсон ҳаётида бахтли оила қуриши, ўзидан зуррид қолдириши ва фарзандлари роҳатини кўриши истасида яшайди. Бунга бор кучи ва имкониятлари билан ҳаракат қилади.

Уғлим В.Очилов ўтган йили ўрта мактабнинг 9-синфини аъло баҳоларга битирди. Оиламиз билан маслаҳатлашиб, уни қизиқишларини инобатга олган ҳолда, туманимиздаги Қишлоқ хўжалиги коллежига ўқишга бердик. Шу йилнинг ноябрь ойига келиб эса, коллеж директори ҳеч қандай сабабсиз ва ноқонуний равишда ўғлимни ўқишдан четлатмоқчи бўлди. 25 йил мактабда ўқитувчилик қилганим ва болаларимнинг ҳар бирини ўқитиш истағи бўлгани учун бу вазиятга жим қараб туроладим.

Ҳақиқат излаб Зомин тумани прокуратурасига ариза билан мурожаат қилдим. Шундан кейин прокуратура ходимларининг аралашуви билан аризам қонуний ҳал этилди.

Уғлимнинг тақдири билан боғлиқ иш сабаб тушкун кайфиятда юрган шундай кунларда қалбимда адолатга бўлган ишонч-ни уйғотган туман прокуратураси ходимларига чексиз миннатдорчилик билдираман.

Тошмирза ОЧИЛОВ,
Зомин туманидаги
А.Қаҳор номли 60-ўрта мактаб
ўқитувчиси

«ХУҚУҚ» ПОЧТАСИДАН

Хатлар... Узок-яқиндан, корхона ва ташилот раҳбарларидан, оддий фуқаролардан турли мавзуларда келаятган хатлар... Баъзан аччиқ шикоят, баъзида эса севинч ёшлари билан битилган миннатдорчилик мактублари. Конвертларни очиб, хатларга кўз югуртирар эканмиз, уларнинг аксарияти ҳаётимизнинг турли жабхаларида учраб турган камчиликларни бартараф этишга оид таклифлар эканлигидан мамнун бўламиз.

Баъзи мактублар эса кўра-била туриб ноўрин хатти-ҳаракатлар қилаётган баъзи бир мансабдор шахслар, ноҳақ жабр кўраётган фуқаролар хусусида. Ҳар бир мактуб ортида инсон тақдири борлигини ҳисобга олган ҳолда, биронта хатни эътибордан четда қолдирмаймиз. Баҳоли қудрат, тегишли ташкилотлар кўмағида муаммони ижобий ҳал этишга ҳаракат қиламиз. Миннатдорчилик мактубларини олганимизда меҳнатимиз дежиз кетмаганлигидан, қайсидир оила бағрига шомол тегиб, ҳақиқат қарор топганлигидан хурсанд бўламиз.

Ушбу саҳифамизда берилаятган айрим хат-хабарлар ҳам, албатта, ижобий самарасини беради, деган умиддамиз.

**18-модда.
ФУҚАРОЛАРНИНГ МУРОЖААТЛАРИ
ТЎҒРИСИДАГИ ҚОНУН ХҲҲЖАТЛАРИГА РИОЯ
ЭТИЛИШИ УСТИДАН ПРОКУРОРЛИК НАЗОРАТИ**

Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилиши устидан назоратни Ўзбекистон республикасининг Бош прокурори ҳамда унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширадилар. Улар ўзларига берилган ваколатларига мувофиқ фуқароларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклашга, қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга, ҳуқуқбузарларни жавобгарликка тортишга қаратилган чора-тадбирларни кўрадилар.

(Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонунидан)

«СУД ҚАРОРИНИ КИМ БАЖАРАДИ?»

(«Хуқуқ», 44-сон, 2001 йил)

Газетамизда юқоридаги сарлавҳа остида мақола чоп этилган эди. Унда Шўрчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳ.Бобоқулов кўл остида ишлайдиган ходимларни бошқарма касаба уюшмасининг розилигисиз, ўзбошимчилик билан вазифаларидан ноҳақ бўшатгани ҳақида баён этилган. Бошқарманинг бир қатор ишчи-хизматчиларининг шикоятлари асос қилиб олинган ушбу мақолани Сурхондарё вилоят прокуратурасига юборган эдик.

Яқинда тахририят ушбу мактуб юзасидан Сурхондарё вилоят прокуратурасидан кўйиндаги жавобни олди:

«Аниқланишича, Н.Мавлонов, Х.Қурбонов, Д.Хуррамова, Д.Эшқобилов, У.Усупов ва М.Ҳожимуродовлар судга даъво аризаси билан мурожаат қилиб, 2001 йил 5 апрелдаги Шўрчи тумани қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғининг буйруғига асосан ноҳақ ишдан бўшатилганликлари, бунда маъмурият томонидан розилик олинмаганилиги, уларга маълум қилинмаганилиги билдирилган.

Девон туманлараро фуқаролик судининг 2001 йил 18 июль кундаги қарорига асосан уларнинг даъволари қаноатлантирилиб, ишга тикланган. Ушбу иш вилоят суди апелляция инстанциясида кўрилиб, суднинг қарори қонуний эканлиги эътироф этилган. Давогарлар ҳозирги кунда суд қарори бошқарма бошлиғи томонидан ижро этилмаётганлиги ҳақида қайта ариза билан мурожаат қилишган. Ушбу ҳолат

юзасидан вилоят прокуратураси суд қарорларини ижро этиши, судлар фаолиятини моддий техника жиҳатидан ва молиявий таъминлаш департаментидан хизмат суриштируви ўтказишни сўради. Хизмат суриштируви ҳалосасига кўра, суд ижрочилари томонидан ижро ҳаракатлари тўлиқ амалга оширилганлиги ҳақида туман қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаси бошлиғи Ҳ.Бобоқулов томонидан суд қарори ижро этилмаганлиги ҳақида хулоса қилинган. Вилоят прокуратураси томонидан хизмат суриштируви материаллари Ҳ.Бобоқуловни жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал этиш учун Шўрчи туман прокуратурасига юборилди.

Ушбу ҳолат юзасидан Шўрчи туман прокуратураси томонидан тергов олди текширув ҳаракатлари олиб борилиб, 2001 йил 20 ноябрь кунин бошқарма бошлиғи Ҳ.Бобоқуловнинг ҳаракатида жиноят таркиби аниқланмади, деб ЖПКнинг 83-моддаси 2-қисмига асосан жиноят иши кўзгатиш рад қилинган.

2001 йил 11 декабрь кунин вилоят прокуратураси терговни назорат қилиш бўлими томонидан Шўрчи туман прокурорининг катта ёрдамчиси А.Даминовнинг фуқаро Ҳ.Бобоқуловга нисбатан ЖПКнинг 83-модда 2-қисми билан 2001 йил 20 ноябрь кундаги жиноят иши кўзгатишни рад қилиш тўғрисидаги қарори асоссизлиги сабабли бекор қилиниб, тўпланган материал қўшимча текшириш ҳаракатлари олиб бориш учун Шўрчи туман прокурорига юборилди».

**ТАХРИРИЯТ
АРАЛАШГАН**

Биз Тошкент вилоятининг Юқори Чирчиқ туманидаги «Ўзбекистон» нахта тозалаш корхонасига қарашли «Жумабозор» нахта қабул қилиш пунктида ўтган йилнинг 14 августидан 31 декабригача шартнома асосида ишлаган эдик.

Шартномада кўрсатилган барча ишларни белгиланган муддатда бажардик. Лекин иш ҳақини олиш масаласига келганда сарсонун саргардон бўлдик. Шундан сўнг қонуний иш ҳақимизни ундириб беришда ёрдам беришни сўраб «Қонун ҳимоясида» бирлашган тахририятга хат ёзган эдик. Шикоятимизни эътиборсиз қолдирилмади ҳамда тегишли идораларга йўлланди ва тахририятнинг аралашуви билан иш ҳақимизни тўлиқ ундириб олдик. Шу сабаб сизларга миннатдорчилик билдирадим.

П. КЎЗИЕВ,
А. НУРМОҢОВ,
Самарқанд вилояти

**ҲАҚИМИЗНИ
ҚАЧОН БЕРИШАДИ?**

Биз Сирдарё вилояти Гулистон нахта тозалаш ҳиссадорлик жамиятига қарашли «Пахтаобод» нахта қабул қилиш корхонасининг бир гуруҳ ишчи-хизматчилари сизга бу мактубни йўллаб шуни маълум қилмоқчимизки, корхонадан ўтган йил май ойидан бошлаб, то шу кунга қадар иш ҳақимизни ололмаямиз. Раҳбарлар билан кўп тортишувлардан сўнг, май ойи ҳисобидан 24 донга кир совун тарқатишди. Корхонамизда бундай ҳолат икки йил аввал ҳам бўлган эди.

Завод директорида бир неча бор оғзаки ҳамда ёзма мурожаат қилдик. У киши «пул бўлиб қолади», деб ваъда беришдан наҳақ ўтмапти.

Хурматли муҳаррир! Бу масалада бизга ёрдам берасиз, деган умиддамиз.

Султон САНГИРОВ



**5-модда. ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИГА
ЙЎЛЛАНГАН МУРОЖААТЛАР**

Фуқароларнинг оммавий ахборот воситаларига йўллаган мурожаатларидан жамоат фикрини ўрганиш ва матбуотда акс эттириш учун фойдаланилади.

Ҳал этилиши оммавий ахборот воситаларининг ваколатига тааллуқли масалаларга доир фуқароларнинг мурожаатлари ушбу қонунга мувофиқ кўриб чиқишли лозим.

(Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»-ги Қонунидан)

2-БОБ. ФУҚАРОНИНГ ХУҚУҚЛАРИ ҲАМДА ЭРКИНЛИКЛАРИГА РИОЯ ЭТИЛИШИ УСТИДАН НАЗОРАТ 24-модда. Назорат предмети

Вазирликлар, давлат қўмиталари, идоралар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар, ташкилотлар ҳамда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг ҳарбий қисмлари, ҳарбий тузилмалари, ҳокимлар ва бошқа мансабдор шахслар томонидан фуқаронинг ҳуқуқлари ҳамда эркинликларига риоя этилиши назорат предмети ҳисобланади.

(«Прокуратура тўғрисида»ги
Ўзбекистон Республикасининг
Қонунидан)

ЯКИНДА марказий газеталардан бирида босилган бир мақола эътиборимни тортди. Унда айтилишича, гарб давлатларидан бирида ишловчи аёлларга фарзанд туғилганидан кейин бир неча hafta таътил белгиланар экан, холос. Албатта, қанча миқдорда таътил белгиланар ҳар бир давлатнинг ўз ички муаммоси. Лекин бизнинг Ўзбекистонда аёлларга фарзанд кўрганларидан кейин яратилган имтиёзлар, берилган тўловлар ва бир неча йиллик таътил муддати тўғрисида сўзлаб беришганида, уларнинг «Ўзбекистон ўта инсонпарвар давлат экан» деб эътироф этишгани мен сингари ҳар бир юртодошимизда фахр туйғусини уйғотиши шубҳасиз. Дарҳақиқат, мамлакатимиз аҳолисини кучли ижтимоий ҳимоя қилиш — давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири эканлиги барчамизга яхши маълум...

Аслида ўтиш даврининг жамият ва иқтисодиётни модернизациялаш боқичилари «орғиксиз» ўтмаслиги ўн йиллик тажрибадан сўнг анча тушунари бўлиб қолди. Шу нуқта назардан, ривожланаётган ва бошқа МДХ давлатларида «бозор»га ўтишининг кескин йўллари танланган бир пайтда, Ўзбекистон раҳбариятининг туған стратегияси оқилона бўлиб қолди. Яхшичи, америкалик йирк олим Жон Теллбейтнинг фикрига қўлак солайлик. У машҳур «Le Monde» журналининг 1994 йил март ойидаги сонидан шундай ёзган эди: «Янги пайдо бўлган давлатларга бозор иқтисодиётини зўрлаб олиб кириш инсон ҳуқуқлари нуқтаи назаридан мутлақо номақбулдор». Мамлакатимиз Президентини Исмоил Каримов бу коидани ўз вақтида шундай таърифлаган эди:

«Ўзбекистоннинг ўз янгилиши ва тараққиёт йўлига асос қилиб олинган етакчи тамойиллардан бири кучли ижтимоий сиёсатни амалга оширишдан иборатдир... Ишончли ижтимоий кафолатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чораларини таъминлаш бозор ўзгаришларининг таъминлаш бозор ўзгаришларининг ҳамма босқичлари орқали ўтади ва жамиятимизни янгилашдан иборат гоят кенг жараённинг бошқа йўналишларини ҳам қамраб олади».

Аҳолининг ҳимояга муҳтож катталари — болалар, қариялар, аёллар, нафақахўрлар ижтимоий ҳимоя марказига олинди. Утган ўн йил мобайнида бу устувор вазифадан зарарча бўлса ҳам оғиш бўлгани йўқ. Халқроқ иқтисодий, сиёсий жараёнларга ҳали тўла интеграцияланмаган, жаҳон бозорига ўта тизиг конъюнктура, унинг остидаги стратегик товарлар — пахта ва олтун нархи ўзгариб туриши, қолаверса хали ривожланиб улгурмаган бозор инфратузилмалари, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож катталигининг катталиги, сурналик қуроқчилик, экспорт салоҳияти шаклланаётган бир шароитда бунинг қанчалик мураккаб ва мушкуллигини тасаввур қилиш учун олим бўлиш шарт эмас. Лекин бунинг уддасидан чиқилди...

Фикримизга мисол сифатида мамлакатимиз аҳолисини ижтимоий аҳами-

ИСТЕЪМОЛЧИЛАР ХУҚУҚЛАРИ

ятга молик кундалик эҳтиёж товарлари билан таъминлашга қаратилган чора-тадбирларни олиш мумкин. Узоқ-яқин давлатларда худди шундай товарларнинг нархи осмон қадар кўтарилган ёки тақчиллик юзга келган бир пайтда ҳам мамлакатимизда ўтган ўн йил ичида бирор марта узилиш бўлган йўқ. Қўшни давлатлар билан чегараларнинг очиллиги ва бунинг устига юртимизда озиқ-овқат товарларининг арзонлигидан «фойдаланувчилар» оз бўлса-да, топилаётган бир шароитда бу анчагина мураккаб вазифа эканлиги барчамизга аён. Ҳукуматимизнинг бу масала юзасидан тугган йўли қатъий, изчил, мунтазам эканлиги кундалик турмушимизда ўз тасдиғини топиб келмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг яқинда қабул қилинган навбатдаги қарори худди шу қатъийликнинг, изчилликнинг яна бир намунаси бўлди. 2001 йил 31 октябрдаги «Ижтимоий аҳамиятга эга бўлган истеъмол товарлари билан савдо қилишни тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорнинг қабул қилинишига қандай сабаблар туртки бўлди, деган савол туғилади. Энг аввало шунга айтиш кераки, аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашда айрим белгиликлар юзга келганди.

Биринчидан, савдо тизимида худди шундай товарларни аҳолига сотишда ноҳилолиқлар, нарх-навоини сунъий оширишга уринишлар юзга келди. Иккинчидан, тегишли лицензияга эга бўлмаган жисмоний шахслар ва тадбиркорлар томонидан кундалик эҳтиёж молларини сотиш билан санитария, банк-молия, солиқ қонунчилигига зид равишда шуғулланиш ҳолатлари кузатилади. Бу эса кундалик эҳтиёж моллари белгиланган ҳудуд ва оилаларга етарлича кириб бормасдан, гирром йўллар билан бозор расталарига ва қўшни давлатларга ноқонуний равишда чиқиб кетишига олиб келди.

Учинчидан, нақд пул эмиссияси ва пул кадрисизлигининг олдини олишга юқоридagi гирром савдо усуллари жиддий таҳдид туғдирди. Вазирлар Маҳкамасининг юқориди номи келтирилган қарори ана шундай салбий ҳолатларга барҳам беришга қаратилган. Келинг, айнан шу қарорнинг Жиззах вилоятидаги ижроси билан танишиб кўрайлик. Вилоятда аҳолини кундалик эҳтиёж моллари билан таъминлашга масъул бўлган иккита йирк савдо ташкилоти: «Жиззах матлуботсавдо» ва «Жиззахсавдо» ҳиссадорлик компаниялари мавжуд. Уларга қарашли 429 та дўкон 766 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Вилоят ҳокимлиги яқинда яна бир хайрият ҳўла қўл урди. Ушбу дўконларнинг аҳоли яшаш пунктларига яқинлаштириш, хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳаракати бошланди.

Вилоят солиқ бошқармасининг маълумотларига кўра, 415 та дўконда мониторинг ўтказилган. Шу дўконлардан 49 тасидан ун, 42 тасидан ўсимлик ёғи, 49 тасидан шакар йўқлиги аниқланган. Ун нархини ошириб сотиш 9 ҳолатда, шакар ва ўсимлик ёғи нархини ошириб сотиш 5 ҳолатда аниқланган. Бу маълумотларда вазият бир оз «юмшатиб» кўрсатилган бўлса, ажаб эмас. Чўчки...

Бозор иқтисодиётининг оддий қонуни бор. Товар қаерда тақчил ва нархи баланд бўлса ўша томонга қараб «оқиши» аниқ. Йўлда дуч келган «тусиқлар»га чап беришга ҳаракат қилинади. Жиззах вилоят давлат солиқ бошқармасининг 2001 йил 17 декабрдаги маълумотларига кўра кундалик эҳтиёж молларининг чакана нархи (умумлаштирилган) қуйидагича бўлган:

Ун 135 сўмдан 190 сўмгача, ўсимлик ёғи 750 сўмдан 1000 сўмгача, шакар 650-700 сўмгача нархларда сотилиши ҳолатлари аниқланган. Шунинг-

луботсавдо» ҳиссадорлик жамияти яқинда қайтадан ташкил этилган. Ташкилотта Мирзааҳмад Сайдиёв раҳбарлик қила бошлаган, ишлар анча жонларга чап беришга ҳаракат қилинади. Банкдан ойига 2 фоиз, йилига жами 24 фоиз устама шарти билан имтиёзли кредит олинди. Бу кредитдан мақсадли, тадбиркорона фойдаланиш йўлга қўйилди. Лекин шунга қарама-дан, айнан кундалик эҳтиёж моллари билан савдо қилишда муаммо ва камчиликлар бор. Масалан, савдо ташкилотига қарашли 12-сонли дўконда бўлганмишда товарларнинг нархлари

ди. Жиззах вилояти Солиққа оид қонунбузарликларга қарши кураш департаменти томонидан яқинда Даштобод шаҳрида ашовчи фуқаро К. Зоонов ўз уйда ноқонуний равишда 2 дона мойқувоз ўрнатиб, ўсимлик ёғи ишлаб чиқарётганлиги аниқланди ва 87 кг. ўсимлик ёғи, 650 кг. қунжар ҳамда 3150 кг. чигит ашёвий далил сифатида олинди.

Дарҳақиқат, прокурор таъкидлаганидек, вилоят аҳолисини кундалик эҳтиёж товарлари билан таъминлашда камчилик ва муаммолар бор. Утган йилнинг ўн бир ойи давомида аҳолини ун билан таъминлаш — 35189 тоннани ташкил этган. Ўсимлик мол билан таъминлаш режа бўйича 2061 тонна бўлиши лозим бўлса-да, амалда 1988 тонна бўлган. Жами 736 тонна ўсимлик ёғи

таъминот ташкилотларидан олинмаган. Лекин масалага жиддийроқ ёндашсак, «Янгиобод» МСТ томонидан нимагадир фонда қўшимча 40 тонна, нейтрал савдо ташкилотлари томонидан қўшимча 347 тонна ўсимлик ёғи олинганлиги маълум бўлади. Қолган ўн олпита туман, шаҳар матлуботсавдо ташкилотлари 468 тонна ёки белгиланган режадаги 27 фоиз ўсимлик ёғини олмаганлар. Жумладан, Дўстлик туман «Матлуботсавдо» ташкилоти 133 тонна пахта ёғи олиши лозим бўлса-да, амалда аҳолига 60,8 тонна етказилган, холос. Режадаги жами 72 тонна (60 фоиз) ўсимлик ёғи аҳолига етказиб берилмаган. Вилоят аҳолисини «Жиззах вилоят матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти 6699 тонна шакар этказиб бериши лозим бўлса-да, 5783 тонна, белгиланганидан қарийб мнг тонна кам шакар

ҚАРОР, ИЖРО, НАЗОРАТ

дек, ушбу товарларнинг нархи «қора бозор»даги АҚШ долларининг курсига ва қўшни давлатларнинг Жиззах вилояти билан чегарадош туманларидagi нархига нисбати солиштирилган:

1. 1 кг. 1-нав ун — 0,09 доллар, Қозғистоннинг Жетисай туманида — 0,21 доллар.

2. 1 л. ўсимлик ёғи — 0,40 доллар, Жетисай туманида, — 0,83 доллар.

3. 1 кг шакар — 0,29 доллар, Жетисай туманида — 0,50 доллар.

Шунингдек, бизнинг қузатувимизга кўра, Жиззах шаҳридаги «Кўк бозор»да ҳам кундалик эҳтиёж молларининг нархи белгиланганидан анчагина баландлиги кузатилади. 2001 йилнинг 20 декабрда бу ерда шакарнинг нархи 660-700 сўм, ҳўжалик совуни — 200 сўм, ўсимлик ёғи 850-900 сўмгайи маълум бўлди. Вазирлар Маҳкамасининг айнан 433-сонли қарори юзасидан Молия вазирлиги, Монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси ҳамда Давлат солиқ қўмитасининг қўшма қарори билан тасдиқланган 2001 йил 13 ноябрдаги низомига мувофиқ Давлат солиқ қўмитасининг 2001 йил 7 ноябрдаги махсус хатига биноан кундалик эҳтиёж молларига белгиланиши лозим бўлган чакана нархлар билан танишайлик.

Унга биноан:

1. Олий нав бугдой унинг нархи 191 сўм, 1-нав — 134 сўм, 2-нав — 124 сўм, «Ўзбекистон» нави — 129 сўм қилиб белгиланган.

2. Ўсимлик ёғининг нархи: олий нав — 557 сўм 36 тийин, 1-нав — 551 сўм, доғланган олий нав — 675 сўм этиб белгиланган. (Буларга қўшимча 25 фоиз устама нарх белгиланган ҳужуқи билан).

3. Шакар — чакана нархи 430 сўм.

4. Ҳўжалик совуни — 145 сўм 05 тийин.

Узингиз таққослаб кўрганнингиздек, ушбу товарларнинг белгиланган нархи билан бозорлардаги ва қўшни давлатлардаги нарх ўртасида каттагина фарқ бор. Хусусан, бу товарлар қўшни давлатнинг чегарадош туманларидан икки баравар қимматлигини таққослашда билиб олдик. Товарлар эса яна таққосланган нархи чакан қўшни йўналиши ялари мавжуд. Уларга қарашли 429 та дўкон 766 минг аҳолига хизмат кўрсатади. Вилоят ҳокимлиги яқинда яна бир хайрият ҳўла қўл урди. Ушбу дўконларнинг аҳоли яшаш пунктларига яқинлаштириш, хизмат кўрсатишни янада яхшилаш ҳаракати бошланди.

Юқоридagi фикримизни бироз қувватлаш учун Дўстлик туманидаги аҳвол билан танишиб кўрайлик. «Дўстлик мат-

ёзиб қўйилмагани маълум бўлди. Шу ердаги фуқаролардан суриштириб билсак, бу ҳолат бежиз эмас экан.

— Мен, Оксулува Умарова «Истиқлол» қишлоғида яшайман. 2001 йил 18 декабрь кўни ушбу дўкондан 2 кг. шакарни 600 сўмдан харид қилдим. Улуғ ота Исмолов (шу маҳаллада яшайди): — Дўконимизда хали ҳамон ун (1-нав) — 170 сўмдан, шакар — 600 сўмдан, ўсимлик ёғи — 900 сўмдан сотилмоқда.

Шунингдек, биз «Истиқлол» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси С.Усмонов билан суҳбатлашганимизда, унинг қишлоқ аҳолисини тақсимот бўйича қанча миқдорда озиқ-овқат берилиши лозимлигини ҳам, уларнинг Вазирлар Маҳкамаси қарорига биноан белгиланган нархларини ҳам билмаслиги маълум бўлди.

«Дўстлик матлуботсавдо» ҳиссадорлик жамияти идораси жойлашган бинодан унча узоқ бўлмаган савдо дўкони бир неча ойдан буён ишламаслиги анчагина масъулиятсизликдан нишон.

Бу жойдаги аҳолининг шу ойлор мобайнида олиши лозим бўлган эҳтиёж товарлари қаерга кетди экан?

Бу биргина туман мисолида кўзга ташланиб қолган ҳолат. Умуман, Жиззах вилояти бўйича шундай товарлар билан таъминлашнинг аҳоли қандай?

Р.Мўҳиддинов, Жиззах вилояти прокурори:

— Бу масалада бир қанча муаммолар бор. Биринчиси жойлардаги савдо корхоналарининг молиявий аҳоли билан боғлиқ, Баъзида уларнинг айланма маблаглари етишмаслиги боис аҳолига ажратилган озиқ-овқат товарларининг ўз вақтида олинмаслиги ҳолатлари учраб туради. Иккинчиси, бундай товарлар савдоси билан ноқонуний равишда шуғулланиш ҳам вазиятга жиддий таъсир этади. Товарларнинг ишнинг равишда сотилишига қарши ҳозирда жиддий кураш кетмоқда.

Учинчиси, бундай товарларни ноқонуний равишда ишлаб чиқариш ҳам, афсуски, учраб туради. Масалан, шакардан қандалот маҳсулотларини ноқонуний ишлаб чиқариш ёки ноқонуний равишда ўсимлик ёғини ишлаб чиқариш ҳолатларига чек қўйиш вақти кел-

21-модда. Шартноманинг истеъмолчи хуқуқларини чеклаб қўядиган шартлари ҳақиқий эмаслиги

Шартноманинг истеъмолчи хуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган талаблари ҳақиқий эмас деб ҳисобланади. Агар уларни қўллаш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи (сотувчи, ижрочи) томонидан қопланиши лозим.

Сотувчи (ижрочи) истеъмолчининг ҳақ эвазига қўшимча товарлар сотиб олишга ёки қўшимча хизматлардан фойдаланишига қўйиб ҳақни эмас.

(Ўзбекистон Республикасининг «Истеъмолчиларнинг хуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунидан)

етказиб берилган. Ҳўжалик совуни билан таъминлашда ҳам шу аҳвол кузатилади. Режа бўйича 705 тонна белгиланган бўлса-да, ҳақиқатда 411 тонна ёки режадагидан 294 тонна каммад қайд этилган. Буларнинг барчаси нархларнинг сунъий равишда ошишига олиб келиши бор гап. Ҳўш, олинмаган товарларда таъминот ташкилотларининг айби нечоғлиқ экан? Ёки кундалик эҳтиёж молларининг катта миқдорда олинмаслигининг сабаблари қаерда? Бу саволларга биз ҳўжяли жўла топ олмадик.

Хулоса қилиб айтганда, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишдек эзгу мақсад йўлида дуч келинаётган бу тахлит муаммолар масалага жиддий ёндашишни талаб этади. Бу соҳада барча қуларни бириштириш, маҳалла, қишлоқ, шаҳар фаолларини жалб этиш, қонунчилик назоратини қўчайтириш яхши натижаларга олиб келиши аниқ. Мақола бошида инсонпарварлик тўғрисида гапирилди. Агар бу соҳада ҳам қўзланган мақсадга эриша оلسак, давлатимизни юриятга инсонпарварлик сиёсатини рўёбга чиқаришда янада улкан натижаларга эришамиз.

А.МУСТАФОҚУЛОВ,
«Хўқуқ» муҳбири

ВА ИЖРО НАЗОРАТИ

Бугунги кунда истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолларига чек қўйиш мақсадида маълум ишлар амалга оширилмоқда. Лекин бу муаммо битта маҳалла, битта шахар доирасида ҳал этиладиган масала эмас. Истеъмолчилар ҳуқуқларининг бузилиши ҳолатлари ҳамон учраб турибди. Бунинг сабабларидан бири истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини тиклашга нисбатан лоқайдлигидир.

Марғилон шахрида аҳолига коммунал хизмат қилатиш, газ, электр энергияси, ичимлик суви, иссиқлик таъминоти муаммолари тобора ўткирлашиб бораёпти. Айниқса, табиий газ таъминотидаги узиллишлар ҳақли эътирозлар туғдириб, шахар ҳокимлигида муҳокама қилинаётган ҳамда чоралар кўриляётган бўлса-да, бу муаммо буткул бартраф этилмаган.

«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун юзасидан текширишлар ўтказилганда, «Маориф», «Баҳрий», «Узун ҳовуз», «Урдатаги», «Увайсий» маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳудуддаги айрим кўчалардаги хонадонларда табиий газ босими қиш ойлари учун белгиланган меъёрга нисбатан пастлиги аён бўлди.

Айрим маҳалла фуқаролар йиғинларида қиш мавсумига тўрилганидан кейин ёқилги етиб бормаётган хонадонлардан газ тўловини кечиб юбориш ҳақида далолатномалар тузилиб, шахар пул-кредит комиссиясига тақдим қилинган. Бироқ газ босими меъёрдан паст бўлган маҳалла фуқаролар йиғинларида газ ҳақини қайта ҳисоблаш, шартнома шартларини бажармаган «Марғилонгаз» идорасини қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортиш чоралари кўрилмаган.

Холбуки, «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида фуқаролар йиғинининг раиси фуқароларнинг маънавий шартларини яхшилаш тўғрисида ҳамхўрлик қилиши, аҳолига коммунал хизмат кўрсатилишини яхшилашга кўмаклашиши, бу вазифаларни амалга оширишда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларида, суд идораларида, корхона, муассаса, ташкилотлар билан бўладиган муносабатларда фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиши лозимлиги белгилаб қўйилган. Бироқ улар ўзларига берилган қонуний ваколатларидан фойдаланишмапти.

Таъминотчи билан истеъмолчи ўртасида тузилаётган шартномалар «Табиий монополиялар тўғрисида»ги Қонуннинг 1-моддаси талабига мос келиши ва истеъмолчиларнинг манфаатларига зид бўлмағлиги эътибордан четда қолаяпти. «Марғилонгаз» идораси истеъмолчи фуқаролар билан ўзаро тузган шартномаларнинг 1-банди бўйича уларга мунтазам равишда бир меъёрга газ етказиб бериши ўз зиммасига олган. 3-бандида эса таъмирлаш ишлари олиб борилаётганда, авария ҳолатларида ёки умумий газ таъқислиги пайтларида «таъминотчи» газ босимини чегаралаш, ёқилги узатишни умуман тўхтатиб қўйиш ҳуқуқини

«ўзлаштириб» олган. Ваҳоланки, Фуқаролик Кодексининг 476-моддасида кўрсатилганидек, энергия билан таъминловчи ташкилот тизимида авариянинг олдини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб бўлмайдиган чораларни кўриш зарурати туғилгандагина миқдор билан келишмасдан ва уни оғохлантирмасдан энергия беришни чеклаш ёки тўхташга йўл қўйилди.

Қолаверса, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғриси-

да»ги Қонуннинг 21-моддасида истеъмолчи ҳуқуқларини чеклаб қўядиган ва қонун ҳужжатларига зид бўлган шартнома талаблари ҳақиқий эмаслиги белгиланган. Агар уларни қўллаш натижасида истеъмолчига зарар етказилган бўлса, бу зарар ишлаб чиқарувчи томонидан қопланади. Лекин маҳалла фуқаролар йиғинлари қонунларда белгиланган фуқароларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш ваколатларидан фойдаланиб, шартномаларни қайта тузиши талаб қилмапти. Қолаверса, фуқаролар (истеъмолчи)нинг ўзлари ҳам бунга ҳаракат қилиб, бузилган ҳуқуқларини тиклашга лоқайд муносабатда бўлишмоқда.

Кези келганда яна бир мулоҳазани айтиб ўтмоқчиман. Ҳокимликларнинг кўнгина ваколатлари ҳозир маҳалла фуқаролар йиғинлари ихтиёрига берилди. Уларнинг иш ҳажми бир неча баробар ортди. Тўғри, аксарият соҳаларда жамоатчилик асосида фаолият олиб бориляпти. Бироқ маҳалла фуқаролар йиғинларида маош олиб ишлаётган раис ва

«Юқорида кўрсатиб ўтилган шартномаларда фақат «таъминотчи»нинг ҳуқуқлари белгиланган, холос. «Мижоз» зиммасига эса фақат мажбуриятлар юклатилган. Таъминотчи шартнома шартларини бажармас эми қисман бажарса, миқдор олдидаги жавобгарлик доираси, қўлландиган жарималар, етказилган зарарни қоплаш мажбурияти умуман акс этмаган.

Маҳалла фуқаролар йиғинларининг «бетафаоллиги, истеъмолчиларнинг ўз ҳуқуқларини талаб қилмаслиги, «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун талабларидан фойдаланиб, судларга мурожаат этилмаётганлиги хизмат кўрсатувчи бошқа соҳаларда ҳам қонунбузарликларга шарт-шароит туғдираёпти. Чунинки, Вазирлар Маҳкамасининг аҳолини саккиз турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга оид қарорни жойларда тўла-тўқис ижро этилмаяпти. Маҳалла фуқаролар йиғинлари «Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш

органлари тўғрисида»ги Қонуннинг 22-моддасида таъкидланган дўконлар, ошхоналар, чойхоналар, бозорлар иши, савдо қойдаларига риоя қилиниши устидан жамоатчилик назоратини ташкил этишга лоқайд қараяпти. Саккиз турдаги маҳсулотларнинг белгиланган меъёрлари, нархлари, ҳақиқатда савдога чиқарилаётган миқдори ҳақиқиди маълумотларни талаб қилиб, қонунбузилиш ҳолатларининг олдини олиш чораларини кўрмаяптилар.

Абдураим АКБАРОВ,
Марғилон шахар прокурорининг
катта ёрдамчиси

ТИКАННИ БИЛИБ БОСГАНЛАР

Кичиктойларга бирон нарсани таъқиқласангиз, худди шу ишни қилишга ҳаракат қилишадди. Бу таъқиқланганлик сабабларини билишга қизиқишдандир, балки. Нима бўлганда ҳам, болакайлари тушунса бўлади. Аммо баъзи катталарнинг таъқиқланган ишларни қилишларини, қонунни атайин бузишларини қандай оқлаш ёки тушуниш мумкин?

Қўлбола спиртли ичимликлар инсон организмни заҳарлайди. Буни ҳамма билади. Бироқ аксарият ҳолларда арзонига ўчиб, қўлбола ароқларни харид қилиш оқибатида турли кўнгилсиз ҳолатларга дуч келаемиз. Давлатимиз бунга барҳам бериш мақсадида спиртли ичимликлар ва тамаки маҳсулотларини акциз маркалари билан сотишни жорий қилди. Аммо, устамонлар яна йўлини топишди. Бундайларга қарши курашни тақомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциз маркаларини қалбақлаштириш ва фэйриқонуний айлантириш учун жавобгарликни ошириш тўғрисида»ги Фармони қабул қилинди.

Бугунги кунда қонун ҳимоячилари Фармон ижросини таъминлаш мақсадида қатор тадбирларни ишлаб чиқмоқдалар. Яқинда Ҳазорасп туманларaro прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жинойтларга қарши курашиш бўлими ходимлари томонидан мазкур фармоннинг ижроси юзасидан ўтказилган текширишда қатор қонунбузарликларга барҳам берилди. Бахтиёр Бобоҷонов исмли «тадбиркор» шу йилнинг 12 сентябрь куни фуқаро Н.Матниёзовга 1000 дона қалбаки акциз маркаси ва 500 дона «Урганч ароғи» ёзувли ёриқларнинг донасини 10 сўмдан жами 15 миң сўмга сотганлиги аниқланиб, эртасига навбатдаги савдо чоғида 1000 дона акциз маркаси, 1000 дона «Урганч ароғи» ёзувли ёриқларни 20000 сўмга сотаётган пайтда қўлга олинди.

Албатта, биз Б.Бобоҷонов қалбаки акциз маркаларни қардан олганлиги билан қизиқдик. Маълум бўлишича, у «товар»ни «Дўстлик» жамоа ҳўжалигининг 1-бўлимида яшовчи эр-хотин Ф.Қаландаров ва Ш.Мамутовалардан донасини 5 сўм 50 тийиндан сотиб олган. Маълумот асосида Ф.Қаландаровнинг хонадонида топилиган бир дона қўлбола ароқ шишаларининг қоққоқлари қозонини кирқадиган мослама, 350 дона «Бугдой ароғи», 430 дона «Рус ароғи» ёзувли ёриқлар, 325 дона «Нукус винзаводи» ёзувли ва 1000 дона «Урганч шароби» ёзувли шиша қоққоқлари ва 8110 дона қалбаки акциз маркалари топилиб, далилий ашё сифатида олиб қўйилди.

Ўз навбатида Ф.Қаландаров ва Ш.Мамутовалар қалбаки акциз маркаларини «Шарқ юлдузи» ширкат ҳўжалигига яшовчи С.Исмоиловдан 5 сўмдан сотиб олишгани аниқланиб, у ҳам терговга жалб қилинди.

Аксарият жинойтчилар тергов ва суд жараёнида «билмай қўлдим» иборасини кўп ишлатишадди. Аммо бизнинг қаҳрамонларимиз билиб туриб жинойтга қўл урганлар. Биз, айниқса, Ш.Мамутованинг 3 фарзанд тарбиясини чеккага суриб қўйиб, қонунбузарлик қилганига ачиндик. Аммо начора... Ахир киши тиканни кўрса четдан ўтади-ку. Бизнинг шоввоэларимиз эса кўра билма туриб, тиканни босганлар. Энди жабрини чекишлари мўқаррар.

Шухрат АБДУЛЛАЕВ,
Ҳазорасп туманларaro прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид
жинойтларга қарши курашиш бўлими бошлиғи

МАҚСАД: ИҚТИСОДИЙ ЖИНОЯТЧИЛИКНИНГ ОЛДИНИ ОЛИШ

(Бошланғичи 1-бетга.)

Ташкилотлар, асосан давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларининг мансабдор шахслари томонидан бажарилмаган ишлар, сотилмаган товарлар учун сохта шартномалар расмийлаштирилиб, корхона моддий бойликларини хусусий фирмаларга ўтказиш орқали нақд пулга айлантириб ва бошқа йўллар билан ўзлаштириш, уларни сунъий равишда даромадсиз корхонага айлантириб, бюджетта кам солиқлар (дивидентлар) тулган. Бундай фактлар ҳақида тўхталагидан бўлсақ, ўтган даврда 96 та корхоналарга тегишли 1 млрд. 67 млн. сўмлик жумладан, 49 та давлат улуши мавжуд акциядорлик жамиятларидаги 783 млн. сўмлик маблағлар уларнинг мансабдор шахслари томонидан ўзлаштирилганлиги аниқланиб, тегишли жавобгарликка тортидлар.

Товарларни республика ҳудудига ноқонуний олиб кириш, алкоголь ва тамаки маҳсулотларини норасмий ишлаб чиқариш ва сотиш билан боғлиқ бўлган 829 та ҳуқуқбузарликлар аниқланиб, сифатсиз ва инсон соғлиғига зарарли 171,8 млн. сўмлик алкоголь маҳсулотлари ҳамда республика ҳудудига норасмий олиб кирилган 22,2 млн. сўмлик акциз маркасиз тамаки маҳсулотлари муқдари қилиш учун олиб қўйилди.

Якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар томонидан пул қўчириш йўли билан сотиб олинган «ЎзДЭУ-авто» автомобилларини фуқаролар номига расмийлаштириш (қайта сотиш) орқали тегишли солиқларни яшириш ҳоллари ҳам учрамоқда. Ўтган даврда 41 та якка тадбиркорлар томонидан 5 млрд. 281 млн. сўмлик пул қўчириш йўли билан сотиб олинган 1428 та «ЎзДЭУ-авто» автомобиллари фуқаролар номига расмийлаштирилиши (қайта

сотилиши) натижасида маҳаллий бюджетга туланиши лозим бўлган 252,9 млн. сўмлик солиқлар қасддан яширилганлиги аниқланди. Якка тартибда фаолият кўрсатаётган тадбиркорларга нисбатан 19 та жинойт ишлари қўзғатилиб, жами 125 млн. сўмдан ортик солиқлар маҳаллий бюджетга ундирилди. Шундан 99,6 млн. сўми олиб боришга профилактика, тушунтириш ишлари натижасида ихтиёрий равишда тулган.

Департамент ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан 2001 йилда аниқланган қонунбузилишлар натижасида 7 млрд. 680 млн. сўм миқдорига қўшимча солиқ ва тўловлар ҳисобланган. Қўшимча ҳисобланган солиқ ва молиявий жарималардан бюджетга жами 3,5 млрд. сўми ёки 45,6 фоиз ундирилди таъминланган.

Солиққа оид жинойтлар ва ҳуқуқбузарликларни аниқлаш, олдини олиш ва бартраф этиш борасида прокуратура ва солиқ идоралари билан ўзаро ҳамкорликда қатор муҳим тадбирлар ўтказилган.

Департамент идоралари ходимлари томонидан ўтган даврда фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, иқтисодий фаолият ва солиққа оид қонунларга амал қилиш юзасидан оммавий ахборот воситаларида қўллаб чиқишлар қилинди. Аммо бу борадаги ишларни қоникарли, деб бўлмайти. Маърузада айтилган камчилик ва муаммолар юзасидан Департаментнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шахар ва вилоятлар бошқармалари бошлиқлари тушунтириш бердилар.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

З.МАМАДАЛИЕВ,
«Ҳуқуқ» муҳбири


21-модда.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш

Истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилиши туфайли унга етказилган маънавий зарар учун уни етказган шахс, башарти у айбдор бўлса, ҳақ тўлаши лозим. Маънавий зарар учун туланадиган ҳақ миқдорини суд белгилайди.

Маънавий зарар учун ҳақ тўлаш мулкий зиён ва истеъмолчи кўрган зарарнинг ўрни қопланишинидан қатъи назар, амалга оширилади.

(Ўзбекистон Республикасининг
«Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя
қилиш тўғрисида»ги Қонунидан)



АҚШ ракетага қарши миллий мудофаа тизими (РҚММТ)ни яратиш бўйича навбатдаги босқичга қадам қўйди. Бу АҚШнинг белгиланган олти ойлик муддатдан олдинроқ ракетага қарши мудофаа (РҚМ) тўғрисидаги 1972 йилги шартномадан чиққанлигини билдиради. Афтидан, шартноманинг очиқ-ойдин бузилишига Россия томони унчалик эътибор бермаяпти, акс ҳолда Вашингтоннинг бу борадаги жавоби ҳам тайёр: «Шартномадан чиқиш гайрихитийрий тарзда рўй берди».

Жума куни кечкурун Пентагон белгиланган вақтдан 4 соат ўтказиб денгизда жойлашган РҚММТ доирасида синов ўтказди. Маҳаллий вақт билан 21.00 да (бутунжаҳон вақти билан шанба куни эрталаб 5.00 да) Гавайи оролидаги Кауан полигонидан Aries баллистик ракетаси учирилди. 21.08 да эса Тинч океанидаги АҚШ ҳарбий денгиз кучларига қарашли Lake Erie кемасидан кинетик жанговар каллақчали Standard Missile-3 тутувчи ракетаси старт олди. 10 дақиқадан сўнг, Гавайи оролларида 500 км шимоли-ғарбда, фазовий кенгликларда у ўқув нишонини яқсон қилди. Шундай қилиб бу ердан туриб учирилган тутувчи ракетанинг биринчи марта Ер атмосферасидан ташқарига чиқишидир.

Пентагон синов натижаларини шарҳлар экан, ўқув нишонини йўқ қилиш ҳарбий мақсадга кирмаганини расмий равишда эълон қилди. АҚШ Мудофаа вазирлиги матбуот котиби Майк Хэлбингнинг сўзларига кўра, синовдан кўзланган асосий мақсад тутувчи ракета билан алоқа ва уни бошқариш тизими ишини текшириб кўришдан иборат бўлган. Ўқув нишонининг муваффақиятли равишда яқсон қилинишини Америка ҳарбийлари йўл-йўлак ай амалга оширилган тадбир сифатида баҳолашган.

Худди мана шу ҳолат АҚШнинг 1972 йилги шартномадан эртароқ чиққанлигини билдиради.

Пентагон вакиллари ракетани учуришда Aegis кема тизимидан фойдаланилганини яшириб ўтирмадилар, бу эса ракетага қарши мудофаа (РҚМ) тўғрисидаги Россия-АҚШ шартномасига кўра таъқиқланган эди. Reuters ахборот агентлигининг нуқтаи назарича, Америка томонининг мазкур хатти-ҳаракатида ҳеч бир қонунга зид ҳолат йўқ. АҚШ РҚМ тўғрисидаги шартномадан чиқишини Россияга ўтган йилнинг декабрида расмий равишда билдирган. 1972 йилги совет-америка шартномасига кўра эса, томонлардан бирининг шартномадан чиқиш тўғрисидаги қарори иккинчи томонни бу ҳақда хабардор қилганидан сўнг 6 ой ўтгач қонуний кучга кириди.

Шулардан келиб чиқилса, АҚШ ҳарбийларининг нега «ўқув нишонини йўқ қилиш ҳарбий мақсадга кирмаганлиги» тўғрисида гапирганлиги аён бўлади. Нима бўлганда ҳам АҚШ кўзланган мақсад сари – РҚММТни яратиш йўлидан бормоқда. Бунга дунёнинг етакчи мамлакатлари қандай муносабат билдиради – бу мутлақо бошқа масала.

ЗОҲИРШОҲ ВАТАНИГА ҚАЙТМОҚЧИ

Афғонистоннинг собиқ қироли Муҳаммад Зоҳиршоҳ Наврўз байрами арафасида ватанига қайтишни мўлжалламакда.

Зоҳиршоҳ 29 йилдан бери Римда муҳожирликда яшаб келади. У 1933 йил 8 ноябрда, яъни фитначи – террорчилар унинг отаси Нодиршоҳни ўлдирган куни тахтага ўтириб, 40 йилга яқин мамлакатни идора қилган. 1973 йил 17 июль куни Зоҳиршоҳни ўз қариндоши ва қайниси, бир вақтнинг ўзида Бош вазир лавозимини эгаллаб турган Муҳаммад Довуд тахдан четлаштирган эди. Кузатувчиларнинг таҳмин қилишларича, ватанига қайтган Зоҳиршоҳ июнь ойида афғон парламенти — Лойи Жирги мажлисини очиб беради.

97 ФОИЗ ИШОНЧ БИЛАН

Жума куни Перу суди президент Алехандро Толедонинг оталигини суд йўли билан аниқлаш учун мажбурий ДНК тести ўтказишни таъқиқловчи қарор чиқарди. «Таледа адвокатининг иш ёпилганлиги тўғрисидаги аризаси тўлиқ асосланганлигини аниқлаш учун ДНК текшируви ўтказишни талаб қилмоқда.

Иш Лукреция Ороско томонидан кўзгатилган эди. У президент унинг 14 яшар қизи Зараи Толедонинг отасими – йўқми акалгини аниқлаш учун ДНК текшируви ўтказишни талаб қилмоқда.

Ороско Толедо билан ўтган асрнинг 80-йиллари охирида бирга ишлаган эди. 55 яшар Толедо унинг қизига ота эканлигини инкор этмоқда, 1995 йили ўтказилган ДНК текшируви хулосасига асосланиб эса унинг оталиги тўғрисида 97 фоиз ишонч билан гапириш мумкин.

Ороско суд қарори устидан шикоят ёзишни билдирган. «Ҳақиқат мен томонда. Қачондир одил судьяни топаман ва адолат тантана қилади», – дейди у.

Хуллас, шунақа гаплар. Клинтон машмашаси каби Толедонинг ишқий саргузаштлари ҳам ҳақиқат бўлиб чиқади кўринади.

БИР-БИРИНИ АЙБЛАШМОҚДА


Исроил авиациясининг Фазо ва Тулкарма шаҳарларига қилган ҳужумидан сўнг Фаластин миллий маъмурияти Исроил томонини можарони кескинлаштирганликда айблади. F-16 қирувчи самолётларининг ҳужуми оқибатида камида икки киши яраланган.

Гувоҳларнинг сўзларига кўра, иккита ракета Тулкармадаги миллий хавфсизлик ва разведка хизмати биносига келиб тушган. Яна икки ракета Фазодаги махсус хизмат биноси ва бронетранспортёрлар сақланаётган гаражга бориб урилган. Исроил армиясининг баёнотида айтилишича, «булар фаластинликларнинг террорчилик фаолиятига қарши жавоб чораларидир».

РОССИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ҚАТАРДА

Давлат Думаси раиси Геннадий Селезнёв бошчилигидаги Россия парламент делегациясининг Қатарга расмий сафари аяқланди. Қатар давлати пойтахти Доха шаҳрида Г.Селезнёв мамлакат раҳбари шайх Ҳамад бин-Халифа ал-Таний билан учрашган. Учрашувда асосан АҚШнинг Ироққа эҳтимол тутилган зарбалари тўғрисидаги баёноти, Яқин Шарқдаги зиддиятлар, шунингдек Россия ва Қатарнинг савдо-сотик борасидаги ҳамкорлиги масалалари муҳокама қилинган.

Шунингдек, россиялик депутатлар иқтисодий ҳамкорлик тўғрисида Қатар Бош вазири, ҳукумат Маслаҳат кенгаши аъзолари, Савдо-саноат палатаси раҳбарияти билан ҳам музоқара олиб борганлар.



Суратда: Сеул кўчаларидан бири



Ўтган ҳафта яқинба куни Хонкальдан Моздакка йўл олган Россиянинг Ми-8 ҳарбий-транспорт вертолети Чеченистоннинг Шелковская қишлоғи осмонда портлаб кетди. Вертолёт бортида уч экипаж аъзолари билан бирга 11 нафар юқори мартабали ҳарбий хизматчилар ҳам бўлган. Айни вақтда машинанинг ҳалокатга учраши сабаблари ўрганилмоқда.

ЧЕЧЕНИСТОНДА НИМА ГАП?

Чеченистондаги рус қўшинларига қаршли Ми-24 ҳарбий вертолётлари жума куни кундузи жангариларнинг икки лагери ҳамда тоғолди ўрмонларига яширинишга ҳаракат қилган кичик-кичик гуруҳларини тор-мор этган. Бу ҳақда штаб вакили журналистларга хабар берган.

Унинг сўзларига кўра, шунингдек транспорт авиациясига қаршли Ми-8 ва Ми-26 вертолётлари ҳам куни бўйи 30 марта парвоз қилиб, 100 дан зиёд ҳарбий хизматчи ҳамда 10 тоннадан зиёд турли юкларни белгиланган манзилларга етказишган. Юкларнинг асосий қисми халқ хўжалиги муаммоларини ҳал этиш учун мўлжалланган.

МУЗОКАРА БОШЛАНАРМИКАН?

Ҳинд армиясининг бир неча турдаги қуролли бўлинмалари бу йилги Республика кунига бадишланган тантанали парадда иштирок этмади.

Бунинг сабаби икки қўшни мамлакат ўртасидаги муносабатлар таранглашганлиги туфайли Ҳиндистон армиясининг айрим қисмлари Покистон билан чегарадош Жамму ва Кашмир штатларига кўчирилганлигидир.

Ҳиндистон парламентида террорчилар уюштирган ҳужумдан сўнг мазкур чегара ҳудудида вақти-вақти билан отишмалар бўлиб турибди.

Покистон президенти Парвез Мушарраф Республика куни муносабати билан Ҳиндистон раҳбариятига табрик жўнатиб, ҳиндларни ана бир марта тинчлик музоқараларини бошлашга чақирди.

ҚОЗОН-ТОВОҚЛАРНИ ТАҚИРЛАТИБ...

«Қозон-товоқ кўзғолони» тўғрисидаги ваъдаларига мувофиқ аргентиналиклар ҳукуматининг молиявий чеклашларига қарши ҳамда олий суд судьяларининг истеъфосини талаб қилиб кўчаларга чиқиди.

Буэнос-Айресдаги Президент саройи олдида қозон-товоқ ва бошқа ошхона анжомларини тақирлатётган минглаб кишилар тўплан-

ди. «Биз перонист, радикал ёки социалистлар эмасмиз. Биринчи марта уюшган ва ўз кучимизни англаган оч кишилармиз, холос» - деди мазкур «кўзғолон»да пойтахтнинг Сан-Телмо округи аҳолисига раҳбарлик қилаётган Рубен Сабулард.

Шунингдек, норозилик намойишлари мамлакатнинг 23 вилоятида ҳам бўлиб ўтган.

ВОКЕИЙ ҲИКОЯ

Иш соатлари тугаган, стол устидаги қоғозларни нари-бери саранжомлаб, мрамар пиллапоялардан напста тушаман. Кун ботиб, гира-шира қоронғулик кўна бошлаган. Кўкда сузиб юрган оқ булутларни ҳисобга олмаганда, ҳаво майин. Машина ёнида мени пойлаб турган Назиржонни кўриб, уни куттириб кўйганимдан андак хижолат чекдим. Яхшиям, мени сабр билан кутибди, йўқса, Нарпай-гача озмунча вақт йўқотиб борилардимми?

Машина аста-секин йўл танобини оларди. Икки томонлама ҳаракатланувчи асосий тракт томон яқинлашаётди, дўстим маслаҳат солди:

— Келинг, Иштихон йўли орқали кетақолайлик.

Бу мен учун ҳам маъжул эди. Чунки озмоз опислигини ҳисобга олмаганда, хийла равон йўл. Ҳамроҳимнинг шинавандалиги тутиб, бўш кўли билан галадон устига териб қўйилган магнит тасмаларини титқилай бошлади.

— «Жибир-жибир» шовқинларни қўтарайлик, — деди у жилди анча эскирган тасмани олиб магнитофонга жойларкан, — кўнглидан айтилган қўшиқлар эскирмайди, оғайни.

Салон бўйлаб таниқил хонанда ижросидаги дилкаш бир қўшиқ тарала бошлади: «Узма дўстлик торини, боғлаш қийин, Ранжиса дўст кўнглини чоғлаш қийин, Сўзда дўстингман дея оқлаш қийин, Дўст бўлиш осон, ани сақлаш қийин...»

Дона-дона айтилаётган қўшиқ, юрак торларини чертиб, вуҳудимни жимирлатади. Оҳангларни тинглаган кўйи кўз ўнгимизда лип-лип ўтаётган таниш манзаралардан маъно излайман.

Негадир дўстлик ҳақида ўйлагинг келди бу дам. Ана, ҳув ўша айри ариқ бўйлаб кетган йўл адоғида бир кадрдон манзил бор. У қишлоқда Исматжон исмли дўстим яшайди. Эҳ-ҳе, бундай ҳисобла-сам, кўришмаганимизга ҳам қарийб ўттиз йил бўлибди. Наҳотки, вақт деганлари шунчалик тез ўтиб кетган бўлса?

Кўз ўнгимда Исматжоннинг белига маҳкам қайиш боғлаган, ҳушнуд аскар қиёфаси намён бўлади.

— Жўражон, тўхтатинг машинани! Газдан оёғини оларкан, дўстим ажабланиш билан кўзларимга тикилади. Сўнгра, огоҳлантирувчи чирокларни ёқиб, машинани четроққа олади.

— Яқин дўстим бўларди, бирров кўриб ўтайлик!
— Фақат шуми? — ҳазил қилади Назиржон.

Машинани бироз ортага жилдириб, мен кўрсатган айри йўл бўйлаб олға силжий-миз. Анча-мунча ўзгаришлар пайдо бўлибди. Бузиб, қайта қурилган иморатлар. Қалин тутзор ўрнини турнақор тераклар ва туташ мевазор эгаллабди. Унинг ҳовлиси ёнига келганда эса чиндан ҳам иккиланиб қолдим. Қайси бири эди-я? Қия эчик дарвозага яқинлашиб, овоз қилган эдик, бир йигитча дарвоза сари юриб кела бошлади.

— Исматжоннинг ҳовлиси шуми?
— Ҳа, лекин дадам ҳали келгани йўқ.
— Олисга кетганми?
— Йўғ-е, шу яқинда, зарур бўлса, айтиб келаман.

— Бор экансан-ку, азамат. Гапни шундан бошлайсанми?

Биз ўзимизни таништирган, йигит ён томонга ўтиб, ичкарига таклиф қилди. Пешайвон орқали ўтиб, рўпарадаги эшикдан гирдихоналар ташланган ёп-ёруғ мяхмонхонага кирдик. Бизга қўшилиб юзига фотиҳа тортаган, бояга ўспирин «ҳозир» дегандек, эшик ортига чикди-да уйи соҳибасини бошлаб келди. Келиннинг ортидан яна катта-кичик фарзандлар. Самимият ва илтифотлардан кўриниб турибдики, Исмат оила аъзоларига мен ҳақимда сўзлаб берган.

— Альбомда талай суратларингиз бор. Ҳаттоки, биринчи бетига дастхат ҳам ёзган экансиз.

Фарзандлар ҳам унинг гапини маъжул-ладилар. Улардан бири бориб, альбомни келтирди. Офтоб тафтидек меҳр болаларга кўчганлигини кўриб, яна завқим ошди. Дилкаш суҳбат давомида дастурхон тўзатибди. Айни томон сузилиш чоғида Исматжоннинг кириб келиши даврага

Кадр-қимматнинг нуфузи балинд. У инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, бутун интилишларига олийжаноблик бағишлай олади. Одам пулсиз, уйсиз, мол-мулксиз қолиши мумкин. Аммо инсон ҳақиқий мулки — инсоний кадр-қимматини йўқотса...

чинакам файз бериб юборди. Кучоқ очиб, бел сиқишиб кўришишган, ёнма-ён, момиб болишларга таянганча ўтиришди. «Оббо, Сиз-е!» — дейди дўстим ҳар бир гапи орасида. Шу зайл «эски жанжаллар» кўзгалиб кетди. Қани энди биргаликда ўтган икки йил тафсилотларини эслаб адо эта олсак. Сафимизни тўлатганича бизга жим тикилиб ўтирган фарзандлар, ўтган йиллар кемтиқларини тўлатиб, тиллолантириб юборгандай.

Хонадон бекаси Гулзодахон эса дастурхонга пешма-пеш иссоқ таомлар тортиш билан овора. Сўхбат орасида келин рўпарадаги қия очик турган эшикдан ичкарига таом киритганини кўриб қоламан. Элас-элас биров билан гаплашганини ҳам қалбим ҳис этиб турди. Ким бўлиши мумкин, деган ҳаёл кўнглимдан кечеди-ю, ошқора суриштиришга андиша қиламан. Эрталабки нонушта пайтида ҳам мен

парваришлайди, дейишади...
Майли, ардоқлашсин, ака, лекин мен бунга қандай чидайман, — келин киприклар орасида пайдо бўлган кўз ёшларини рўмоли учига илдириб олди. — Кўнглимнинг бир парчасини бировлар кўлига бериб, бу ҳайҳотдек ҳовлига сигармидим. Буни ҳеч ким ўйламайди. Аввал юрагимни сугуриб олинг, кейин топширасиз, дедим акамга.

— Аканг бизга ёмонликни раво кўрарми-ку? Қўй, хотин... Бозорга чиқиб бироз унга ёрдам қилсанг, шу рўзгор «ғори»га яхши. Сен бўлсанг, кўз ёши қиласан.

Бу ҳақда бошқа сўзлашилмади. Бироз ўтиришган, мезбонлар қистовига қарамасдан, йўл танобини олди. Йўл бошига бирга қузатиб чиққан аёл нигоҳида эса ҳамон бояги сўлгинликнинг сояси ўрнашиб қолганини кўраман. Бу қиёфа мени кўп вақт мушоҳадаларга ундаб

ҚАРОҚЎЗИМ

учун «сирли» бўлиб қолаётган ўша хонага келин секингина кириб-чиқишини кўриб, ҳайронлигим янада ошди. Ва ниҳоят, сўрашга жазм қилдим:

— Келин, хонада ким-биров билан сўзлашгандай бўлдингизми?

— Ҳа, — хиёл ийманчоқлик билан чоғланди у, — ўғлимиз...

Исматжон аёли ўрнига лўнда жавоб қилиб қўя қолди.

— Бу десангиз дўстим, бир фарзандимиз ноғиронроқ бўлиб тўғилган. Шу хонани ўшанга ажратганимиз.

— Санжарнинг кўп ичи қизийди. Ким келди, деб сўраб - суриштирди. «Дадангнинг жўраси келди», дегандим, роса хурсанд бўлди, шўриқ. Даврага олиб чиқайлик десам, энди...

Орага бироз жимлик тушди. Сўнгра мен даст туриб, рўпарадаги ўша қия очик хона томон юрдим. Ярим ёзилган дастурхон рўпарасида ёши 12-13 ларда чамаси, кўлча юзли ширингина болақай ўтирарди. Қора ва узун киприклари пирпирайди. Елкасига кўлимни кўйиб салом бергандим, кўл узатиб менга талпинди:

— Ж-жў-ра?
Парвонадек унинг ёнида пайдо бўлган Гулзодахон сочиқча билан болақай лабида қотган нўхотдек таом юқини артиб оларкан, изоҳ берди:

— Дадангнинг жўрасимисиз деяпти, ака. Санжарга табассум билан «ҳа» деб ишора қиламан. У бўлса, завқ билан кулади. Бироз гаплашиб, имолашишган, болақай билан хайрлашиб, мяхмонхонадаги ўрнимга қайтдим. Гулзода келин ҳозиргина дамлаб келинган қайноқ чойдан пиёлага кўйиб узатди.

— Қаровсиз бир ўзини қолдириб кетишга сира кўнглим бўймайди. Иш пайтида игна устида юргандек, уни ўйлайман.

— Кўйсанг-чи хотин, мен уни ноғиронлар уйига топширайлик деб неча бор айтдим, сен бўлсанг... Гулзодахон ярқ этиб эрига юзланди.

Гапини йўқотиб, оғир ютинди-да, яна сокин овоз билан фикрини давом эттирди: — Акамлар ҳам ҳар келганида шу гапни айтишади. Тез-тез бориб тураимиз, у ердагилар ҳам жигарларидай қараб,

келди. Айниқса, барчага бирдек саховат кўрсатувчи қуёш тафтидан-да маҳрум болақайнинг ёқимтой, қоп-қора кўзу қошлари, «ж-жў-ра!» дея ногаҳон талпинишлари бот-бот ёдимга тушиб юрди. Шундай кулларнинг бирида вилоят ижтимоий таъминот бошқармаси раҳбарияти билан ўша дардаманд жон учун махсус аравача ажратилишига келишган, кўнглим бироз таскин толгандек бўлди.

Баҳор, ёз ўтиб, олтин куз атрофга ўз сепларини ёйди. Бир кун кунт қилиб, ўша меҳри оташ дўст қишлоғи томон йўл олдим. Бу гал Исматжоннинг ўзи мени кутиб олди.

— Хизрни йўқласам бўлар экан, дўстим. Ўзим ҳам сизни бир топсам деб тургандим.

Унинг сўзларида ҳайрат сезмайдман. Лекин вуҳуди қандайдир ички бир ўзгаришлардан тўлқинланиб келаётганини пайқаб олса бўларди.

— Шу десангиз, дўстим, бариси зўр. Юринг, сизга бир нарса кўрсатаман.

Биргалашиб сўл томонда қурилган чўпқори иморат эшигидан ичкарига кирдик. Таштегирмон фириллаб, бугдой ўтказиб ётибди. Қайтиб чиқиб, ҳовлида хаворанг тобланиб турган яп-янги «Москвич» машинасини томоша қилдик.

— Мана бу гишларни гараж учун қуйдирангман, — дейди Исмат ҳушнудлигини яширолмай. — Келиннингиз ҳозир «Ипподром» бозорида акаларининг ёнида савдо қиляпти. Тошкентда икки хонали квартираси бор. Тунов қуни акаси билан «РАФ» машинасида келди. Бироз эски бўлсанг, бозор оқлари учун харид қилишибди. Хуллас, худойимнинг «ол қулим» дегани шу-да, жўражон!

— Чаки эмассиз, дўстим, чинакам тижоратчи бўлиб кетдик денг!

Исматжон ўзини бироз «ошириб юборгандек» сезиб, гапни камтарликка йўйишга ҳаракат қилди:

— Бе, қаёқда дейсиз? Мен ана шу ҳовлимнинг бир боғбониман, холос. Қани ичкарига...

— Санжарбекнинг аҳволи қалай?
— Яхши, уйда ётибди.
Дўстим билан болақайга тегишли нимкоронғу хонага қирамиз.

Имолашиб, саломлашсам, божиш Санжар дарров мени эчлади.
— Ж-жў-ра!

Ҳаво майин бўлгани учун отасидан уни толор остидаги чорпоёга кўтариб чиқишини сўрадим. Чорпоёда қуёш нуридан кўзлари қамашган болақай бизларга, кейин эса ён-атрофга гўё илк бора кўраётгандек суқ қараш қилди. Том бўғотида уймалашаётган мушчиларини кўриб, завқ билан энтикади, кулади.

— Ўзи ўйнайверадди, юринг жўра, бир отамлашайлик.

Сал нарироқдаги гулзор ёнига қўйилган стол атрофига ўрнашдик. Дўстим дастурхон ёзаётган қизини шошилишга ундарди.

— Бўлақол, қизим. Бироз чақидан дўқилагин. Ароқнинг жойини биласанми?
— Ичимлик айтманг, Исматжон. Бугун руддман.

Ўзим бир кўриб ўтай, дедим-да.
— Минг раҳмат. Шу сизни кўрмоқчи бўлганимни бола айтгандим. Қўлингиздан келишини биламан. Фақат йўқ демасангиз бўлгани.

— Бахонидил.

Исматжон болақай ўтирган чорпоёга ўғринча қараш қилиб оларкан, бироз қулоғига яқинроқ энгашиди.

— Санжарбекни ноғиронлар уйига жойлаштиришга ёрдам берсангиз. Бошқа йўлимиз йўқ. Қанча пул кетса, мана биздан.

Мен учун бу қутилмаган гап эди. Секин

бурилиб, болақай томонга қарайман. Мунчоқ кўзларини порлатиб, беозор йўнаб ўтирибди.

— Келин бунга нима дейди?
— Онаси рози. Дастлаб бир-икки кунгагина Тошкент бозорига қатнаб юрди. Энди бўлса, ҳафталаб ўша ёқда қолишга тўғри келяпти.

Шу топда Гулзоданинг ёшли кўзлари билан айтган сўзларини эслайман. «Авал юрагимни сугуриб олинг, кейин топширасиз, дедим акамга». Наҳотки, алдамчи заруратлар она аҳдини шу даражада ўзгартириб юборган бўлса?! Ахир Санжаржоннинг торгина дунёсида ота-онаси, бергина шу ҳовли осмонидан бўлак борлиқ шу чоққача бўлмаган-ку. У ўз ишонган тоғри тақлиф этаётган иккинчи дунёга қўника олармикан? Бир бурда нонни демасак, унга меҳрдан бўлак нима ҳам керак бўларди ўзи?!

— Майли, бир уриниб кўраман, — дейман зўр-базўр андиша жиловини солганча, — ўзим хабар қиларман.

Ортиқ ўтиролмадим. Болақайдан кўзимни олиб қочиб учун ўринмдан турдим. Қай аллозда дўстим билан хайрлашиб, машина рулига ўтирганимни эслолмайман.

Ҳозир ҳам вилоят марказига кўп қатнаб тураман. Тафти юрагимга тушган ўша айри йўл ёнидан ўтаётди, кўксимга нуқтадек ўрнашган ўртанишни сезаман. Йўл бошида ўтирган Санжаржон «Ж-жў-ра!» деб мен томон талпинаётгандек туюлаверадди.

Азиз замондош, одамлар нима деса деяверсинлар. Сиз эса кўнглингиз маъжул кўрган йўлдан асло чекинманг. Беармон ва тўкин-фаровон яшашга эришиш учун ҳар қандай мушкул уюшуларга таваққалчиликка кўл урсак арзийди, деб ўйлайман. Аммо бергина ўтинчим, сиз мисқоллаб йиғаётган, ҳақиқий мулкнинг бўлган кадр-қимматнинг, меҳр-муҳаббатнинг бозор йўлларига сарсон-саргардон бўлишига йўл қўйманг. Чўнтак-чўнтак дуру жавоҳирларни порлоқ бир қорачиқча алмашиб бўлармикан ахир.

Мансур АЛОВУДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси

ДОНОЛАР ЕМИШКИ...

Бошни фидо айла ато қошига,
Жисми қил садқа ано бошига.
Тун, кунингга айлагали

нурпош,
Бирисин ой англа, бирисин
қуёш.
Алишер НАВОЙИ

«Худои таоло барча инсонлар-
нинг бирдан-бир илнжи, энг
сўнги борадиган жойи бўлгани
каби, оналар ҳам болалар учун
худди шундай илнже, илтижо
қилинадиган зотдир».

Жалолиддин РУМИЙ

«Шундай қилайликки, токим
кексалик қалбларимизга
юзимизга туширганчалик
ажин туширолмасин».

Мишель де МОНТЕНЬ

Аждодларни хурмат қилмас-
лик ахлоқсизликнинг биринчи
белгисидир.

А.С.ПУШКИН

Аждодлар қўлга киритган
шон-шарафларга доғ тушириш
эсиноятдир.

ЦИЦЕРОН

Қарияларни қадрламаслик ўз
ота-оналарига хурматсизлик
қилишдир.

Ш.МОНТЕСКЬЕ

Отанг билан онангни хурмат
қил. Кексаларнинг устидан
кулма, ахир ўзингни ҳам ўтган
ҳар дақиқанг кексалик томон
элтмоқда.

Сурия ҳикмати

Отанг ва онангдан яқинроқ,
эсонқуярроқ қариндош йўқ.

Тангут ҳикмати

Ҳар бир қария қачонлардир
қимнингидир болажони бўлган.

П.БОМАРШЕ

Ўйлангач феялигни ўзгартма,
ота-онангни хор қилма, берган
бир бурда нонингни заҳарга
айланторма.

(Шарқ ҳикмати)

Ота-онанга қандай муомала
қилган бўлсан, фарзандла-
рингдан ҳам шундай муомала
кўрасан.

КАЙКОВУС

Қуплоб

Хурмати Шакарбой ака
Ташбеков!
Туғилган кунингиз билан таб-
риклаш имкониятидан фойдала-
ниб, Сизга сяхат-саломатлик,
шарафли ҳамда масъулятли ва-
зифангизда омад ва муваффақият
тилаймиз.

Эхтиром ила дўстларингиз
М. Ражабов ва Ж. Искандаров,
Қўшработ тумани



— Сизга ҳавас қиламан, бувижон!

А. Тўраев фотоларҳаси

ФУТБОЛ

«АНЪАНА» ДАВОМ ЭТАДИМИ?

Собик Иттифок тарқалиб кет-
гач, Москвада футбол бўйича Ҳам-
дўстлик чемпионлари кубогини
ўтказиш анъана тусига кириб қол-
ди. Турнир айни қиш маҳали ўтқа-
зилади. Шу сабабли, «Нефтчи»нинг
1995 йилги катнашувини айтма-
ганда, Ўзбекистон клублари тур-
нирда муваффақиятсиз иштирок
этиб келишмоқда. Бу йил ҳам ушбу
нохуш анъана давом этди.

«Нефтчи» «Спартак» (Россия)га
0:3, «Шериф» (Молдова)га 0:3, «Плю-
ник» (Арманистон)га 2:4 ҳисобида
ютқазиб, гуруҳдан ҳам чиқолмай,
мусобақани эрта яқунлашга маж-
бур бўлди. 1995 йилги турнирнинг
кумуш медалини қўлга киритган
фарғоналиклар, шундай қилиб, тур-
нирда катнашган Ўзбекистон клуб-
лари орасида ҳам энг юқори, ҳам
энг паст натижага эришган жамоа
бўлиб қолди.

Чемпионлар кубогини финали 28
январь кунини ўтказишда, унда «Ди-
намо» (Киев) «Спартак» (Москва)-
ни 4:3 ҳисобида мағлубиятга уч-
ратди. Нима ҳам дердик, мамла-
катларда ўтказилаётган миллий
чемпионатлар савияси мана шун-
дай турнирларда кўзга ташланиб
қолади.

Ахим ФРÉЛИХ,
немис ёзувчиси

Янги усул

Учинчи рота командири лейтенант Дреус орому
карорини йўқотди. Унинг ротаси мўлжалга отиш бўйи-
ча энг охириги ўринни эгаллаган эди.

— Шу Венцелни келиб-келиб менинг ротама бер-
дингиз-да, — деди у қисм командирига, — у эса ўн-
та ўқдан битта-иккитасини нишонга теккиза олади,
холос.

Рота командири ҳар хил усулларни қўллаб кўрди,
яхшилаб гаплашди, маслаҳатлар берди. Ҳатто икки
марта кўз докторига ҳам жўнати, аммо ҳаммаси
бекор кетди. Натижа ўзгарай демасди. Қуролдош
дўстлари ҳам Венцелга отиш чоғида
ўзини қандай тутиш лозимлигини
ўргатишди, аммо ҳеч нарса фойда
бермади.

Навбатдаги машғулот чоғида еф-
рейтор Эгелер ҳаллослаб лейтенант Дреуснинг ёнига
келди.

— Жаноб лейтенант, мўъжиза юз берди. Венцел...
Венцел бугун энг яхши кўрсаткичга эришди.

— Қандай қилиб? Ишонгим келмайди. Ту шунтириб-
роқ гапиринг.

— У бешта ўқдан икки марта ўнга, икки марта
тўққизга ва бир марта саккизга теккизди. Мўъжиза,
ха, мўъжиза юз берди. Бешта ўқдан қирқ олти очко
тўплади.

— Сираям ишонгим келмаяпти.
— Гапларим рост, жаноб лейтенант. Ротада ва ҳатто
ҳарбий қисмимизда ҳам бу энг яхши кўрсаткич.

ТУҲФА

ТАН УЧУН ҲАМ, КОН УЧУН ҲАМ ФЙДАЛИ

Япониянинг бутун дунёга маш-
хур Shiseido косметика компани-
яси аёллар учун ажайиб совға
тайёрлади.


Гап янги ишлаб чиқарилган лаб
бўёғи ҳақида кетмоқда. У сурил-
са, қон айланиши яхшиланиб, лаб-
лар қип-қизил тусга киради. Бун-
дай хусусият лаб бўёғи таркибида
мандарин пўчоғидан олинган П
витаминга бой экстракт мавжуд-
лиги туфайлидир.

ТАРАҚҚИЁТ

КОСМОНАВТЛАР ҚУРУҚ ҚОЛМАЙДИ

Мутахассислар яхши билишади, ер юзида фазогирлар кўп бўлса-
да, очик космосга чиққанлари бармоқ билан санарлидир. Шанба
кунини Халқаро космик станциядаги узоқ муддатли 4-экспедиция
командири россиялик Юрий Онуфриенко ва АҚШлик астронавт
Даниел Берш очик фазога чиқишди. 6 соат мобайнида улар станцияга
кўшимча радиоантенналар ўрнатишда ҳамда станция сиртида бир
қатор монтаж ишларини олиб боришди.

Бундан ҳар икки мамлакат қанча иқтисодий фойда кўришини
тахмин қилиш мумкин, бироқ очик фазодаги иш туфайли космонавт-
ларнинг ҳисоб-рақамларига қанча маблағ келиб тушиши аниқ эмас.
Одатда бундай ишлар учун яхши ҳақ тўлашади.



ЭНИГА: 1. Жиззах вилоятидаги туман. 3. Қимор ўйинида ютган
томондан олиннадиган улуш. 5. Россиядаги дарё. 7. Эшик занжири ... этиб
очилди. 8. Усимлик тури. 10: Йўлтасар, босқинчи. 11. От, улқотир. 12.
Сувчи. 13. Кишини ўз номи қолиб, бошқа ном билан аташ. 14. Тоза,
покиза. 16. Намозхон эркаклар бош «кийими». 18. Шавкатли, зафарли.
19. Рухий азоб чекиш. 20. Фасл. 22. Қайиш, белбоғ. 23. Ривож, раванк,
омад. 24. Мучаллардан бири. 25. Бухоро вилоятидаги туман.

БҲЙИГА: 1. Хасис. 2. Сўзга уста, оратор. 3. Тонинг балеанд қисми, қоя.
4. Таржимонларнинг асосий ёрдамчиси. 5. Ўғил болалар исми. 6. Спиртли
ичимлик. 7. Чиябўри. 9. Душман, ёв. 10. Хонлар, амирлар давридаги
ҳарбий унвон. 11. Революция. 14. Кўзгунинг шевада айтилиши. 15. Майда
нарсалар билан савдо қилувчи. 16. АҚШ ҳарқасари. 17. Сув йўли. 18. Тул
нави. 19. Дарёларнинг бошланиш қисми. 20. Чувваранинг шевада айти-
лиши. 21. Текис, тўғри.

Тузувчи: **Ф. МАМАШАРИПОВ**

ТУРФА ОЛАМ, ТУРФА ОДАМЛАР ХАВФЛИ ҚОЧОҚ

КРАСНОЯРСҚДА тергов экс-
перименти чоғида гумон қили-
нувчи гайриоддий усул билан
қочишга ҳаракат қилди. Илгари
«ўтириб» чиққан мазкур шахсни
қўлга кишан солинган ҳолда
жиноят содир этилган ҳолатни
аниқлаштириш учун шаҳардаги
кўприклардан бирига олиб бо-
ришди. Қўриқчилар учун қутил-
маган вазиятда у тўсиқни ошиб
ўтиб, 30 метр балеандикдан ўзи-
ни Енисей дарёсига ташлаган. Бу
каби трюкларни фақат кинолар-
дагина кўрган милиционерлар
қочоқни тутишга муваффақ бўлса-
лар-да, қойил қолганликларини
яширишади.

ШАРМСИЗ НАМОЙИШ УЧУН

СПОРТЧИЛАРГА ўз дастурла-
рида одобдан ташқари ҳаракат
ва позаларини намойиш этишни
таъқиқлаб, қишқи олимпия ўйин-
лари ташкилий қўмитаси фигура-
ли учининг тозалиги учун кураш
олиб боришга қарор қилди. Баъзи
мутахассисларнинг фикрига
қўра, бу оилавий спорт тури жуда
уятсиз бўлиб кетиб, фигурачи
шеригининг бор гўзаллигини
кўрсатиш учун уни оёғидан бала-
ландга даст кўтарган ҳолатлар
томошабинларни спортга таала-
луқли бўлмаган қизиқишлар бил-
лан қарашга «мажбур этади».

Тошкент шаҳар прокуратураси
жамоаси шаҳар прокурорининг
катта ёрдамчиси В.Капустянский-
га онаси. Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган юрист, прокуратура
фахрийси

Антонина Бударинанинг
вафот этганлиги муносабати бил-
лан чўқур ҳамдардлик билдира-
ди.

Йўлдош **ПАРДА** таржимаси